

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲҚAMASINING  
ҚАРОРИ**166 Давлат ветеринария хизмати тизимида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида» ва «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, давлат ветеринария хизмати тизимида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришни янада тартибга солиш ва соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

## 1. Қўйидагилар:

Ихтисослашган сўйиш корхоналарининг ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқлиги ҳақида ветеринария-санитария хулосаси бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятининг ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқлиги ҳақида ветеринария-санитария хулосаси бериш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Маҳаллий ва импорт қилинадиган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Давлат ветеринария хизмати назоратидаги товарларни экспорт, импорт қилишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 8-сон, 55-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхатига 5-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар;

тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўртасида ушбу қарорнинг мақсадлари, моҳияти ва амалий аҳамиятини кенг ёритиш бўйича тадбирлар режасини тасдиқласинлар ҳамда унинг белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири  
З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 15 март,  
139-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2016 йил 15 мартдаги 139-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ихтисослашган сўйиш корхоналарининг ветеринария,  
ветеринария-санитария қоидалари ва меъёрларига  
мувофиқлиги ҳақида ветеринария-санитария  
хулосаси бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Ветеринария тўғрисида» ва «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда ихтисослашган сўйиш корхоналарининг ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқлиги ҳақида ветеринария-санитария хулосаси бериш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом фуқаролар томонидан уй шароитларида сўйиш маҳсулотларига ва гўшт маҳсулотларига, шунингдек сўйиш маҳсулотларига ва шахсий истеъмолга мўлжалланган, республика ҳудудида муомалага чиқарилмайдиган гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, утилизация қилиш жараёнларига татбиқ этилмайди.

2. Ихтисослашган сўйиш корхонасининг ветеринария ва ветеринария-санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги ҳақида ветеринария-санитария хулосаси бериш ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

3. Ветеринария-санитария хулосаси беш йил муддатга берилади.

4. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**аризачи** — ветеринария-санитария хулосаси олиш учун туман ёки шаҳар давлат ветеринария хизмати бўлимига ҳужжатлар тақдим этувчи тадбиркорлик субъекти (юридик шахс ёки юридик шахс мақомига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркор);

**ваколатли орган** — аризачининг ветеринария-санитария хулосаси бе-

риш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқувчи ва белгиланган тартибда ветеринария-санитария хулосаси бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилувчи туман ёки шаҳар давлат ветеринария бўлими;

**ветеринария-санитария хулосаси** — давлат ветеринария хизматининг ваколатли органлари томонидан ҳайвонларни сўйишни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларига берилган ҳужжат;

**ихтисослашган сўйиш корхонаси** — ҳайвонларни сўйиш учун замонавий механизациялаштирилган ёки автоматлаштирилган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бино ва хоналари мавжуд бўлган корхона;

**сўйиладиган ҳайвонлар** — йирик ва майда мол, чўчка, от, туя, қуён, уй паррандаларининг барча турлари;

**сўйишдан олдинги ветеринария кўриги** — сўйиладиган ҳайвонларни хўжалиқдан жўнатиш ва сўйишдан аввал ихтисослашган сўйиш корхонасида ветеринария мутахассислари томонидан, белгиланган тартибда текширишдан ўтказиш;

**сўйишдан кейинги кўрик** — сўйилган ҳайвон гўшти ва ички органларининг истеъмолга яроқлилигини аниқлаш мақсадида ихтисослашган сўйиш корхонасида ветеринария мутахассиси томонидан, белгиланган тартибда текширишдан ўтказиш.

5. 14 кунликдан кичик бўлмаган соғлом ҳайвонларнинг, барча турдаги уй паррандаларининг эса — 30 кунлигидан бошлаб сўйилишига йўл қўйилади.

## 2-боб. Рухсат этувчи талаблар ва шартлар

6. Қуйидагилар Ветеринария-санитария хулосаси беришда рухсат этувчи талаб ва шартлар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси томонидан тасдиқланадиган ветеринария, ветеринария-санитария қоида ва меъёрларига риоя қилиш;

ихтисослашган сўйиш корхоналарини куриш ва улардан фойдаланишда лойиҳа параметрларига риоя қилиш;

зарурий ветеринария, ветеринария-санитария ва эпизоотияга қарши тадбирларни ўтказишда давлат ветеринария инспекторларининг кўрсатмаларини бажариш;

ихтисослашган сўйиш корхонасининг мавжудлиги;

ҳайвонлар касалликлари кўзгатувчиларининг манбаларини, уларнинг одам ва ҳайвонларга юқиш омилларини аниқлаш мақсадида, тегишли диагностика тадбирларини ўтказиш (зарурият бўлганда);

ихтисослашган сўйиш корхонасидаги сўйишдан аввалги кўрик хоналарини ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқ ҳолда сақлаш;

маҳсулот ва хом ашё сақланиши учун мўлжалланган бино ва бошқа иншоотларни, шунингдек чиқиндиларни ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқ сақлаш.

### **3-боб. Ветеринария-санитария хулосаси олиш учун зарур ҳужжатлар**

7. Ветеринария-санитария хулосаси олиш учун аризачи ихтисослашган сўйиш корхонаси жойлашган манзили бўйича ваколатли органга 2-иловага мувофиқ шаклдаги ариза тақдим этиб, унга қуйидагиларни илова қилади:

ихтисослашган сўйиш корхонаси бино ва иншоотларининг жойлашиш схемаси;

ихтисослашган сўйиш корхонаси хоналарининг қурилиш, техник ва ишлаб чиқариш тавсифи тўғрисидаги, шунингдек биноларнинг ўз мулки ёки ижарага олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари.

Аризачидан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

8. Ветеринария-санитария хулосаси олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар аризачи томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқа воситалари ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар аризачининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

9. Ветеринария-санитария хулосаси олиш учун ваколатли органга тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган тартибда рўйхат бўйича қабул қилиниб, ҳужжатларнинг қабул қилинган санаси кўрсатилган ҳолда аризачига дарҳол берилади (юборилади).

10. Аризачига ветеринария-санитария хулосасини бериш учун давлат бошқа органларида мавжуд бўлган ҳужжат ва маълумотлар талаб этилган ҳолларда, «ягона дарча» тамойили бўйича соддалаштирилган тартибдаги сўров жўнатилиб, ваколатли орган ушбу ҳужжатларни аризачи иштирокисиз қабул қилиб олади.

### **4-боб. Ветеринария-санитария хулосаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш. Ветеринария-санитария хулосаси бериш**

11. Ваколатли орган ушбу Низомнинг 7-бандида назарда тутилган ҳужжатлар қабул қилинган кундан бошлаб етти иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқиб, ветеринария-санитария хулосаси бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ветеринария-санитария хулосаси давлат ваколатли органининг ветеринария мутахассислари томонидан белгиланган талабларга мувофиқлиги бўйича тегишли текширишлар ўтказилгандан кейин ҳамда ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шакл бўйича далолатнома тузилиб, ваколатли органга тақдим этилгандан сўнг берилади.

12. Ветеринария-санитария хулосаси ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда берилади.

13. Ваколатли орган тегишли қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб бир иш кунидан кечиктирмаган ҳолда аризачига ветеринария-санитария хулоса-

сини беради (юборади) ёки ветеринария-санитария хулосаси беришни рад этиш тўғрисида аризачини ёзма равишда хабардор қилади.

Аризачининг аризаси кўриб чиқилиши учун йиғим ундирилмайди.

14. Ветеринария-санитария хулосасини бериш қуйидаги асосларга кўра рад этилиши мумкин:

аризачи томонидан ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганда;

аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда;

аризачи рухсат этувчи талаблар ва шартларга мувофиқ бўлмаганда.

15. Бошқа асосланмаган сабабларга, шу жумладан мақсадга номувофиқлигига кўра ветеринария-санитария хулосаси беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

16. Ветеринария-санитария хулосасини беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома аризачига рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва аризачи мазкур сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

17. Ветеринария-санитария хулосасини беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар белгиланган муддатда аризачи томонидан бартараф этилган тақдирда, ваколатли орган томонидан ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, ветеринария-санитария хулосаси бериш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш аризачининг аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг етти иш кунидан кўп бўлмаган муддатда кўриб чиқилади.

Аризачи аризасининг қайта кўриб чиқилиши учун йиғим ундирилмайди.

18. Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда ваколатли орган томонидан аризачига илгари ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда баён қилинмаган рад этиш сабабларини келтиришга йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши бундан мустасно.

19. Ветеринария-санитария хулосаси бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан сўнг аризачи томонидан берилган ариза янгидан берилган ҳисобланади ва ваколатли орган томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

20. Аризачи ветеринария-санитария хулосаси беришнинг рад этилиши, шунингдек ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ёки ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

#### **5-боб. Ветеринария-санитария хулосасининг амал қилиш муддатини узайтириш**

21. Ветеринария-санитария хулосасининг амал қилиш муддати тугагач, аризачининг аризасига кўра унинг муддати узайтирилиши мумкин.

22. Ветеринария-санитария хулосасининг муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза ваколатли органга ветеринария-санитария хулосасининг амал қилиш муддати тугамасдан аввал топширилиши керак.

23. Ветеринария-санитария хулосасининг муддатини узайтириш ветеринария-санитария хулосасини бериш учун назарда тутилган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

24. Ветеринария-санитария хулосасининг муддатини узайтириш учун йиғим ундирилмайди.

### **6-боб. Ветеринария-санитария хулосасини қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш**

25. Аризачи — юридик шахс ўзгартирилганда, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, аризачи ёхуд унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш куни мобайнида ваколатли органга ветеринария-санитария хулосасини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.

26. Жисмоний шахс бўлган аризачининг унга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда, аризачи қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш куни мобайнида ваколатли органга ветеринария-санитария хулосасини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.

27. Ҳужжатлар аризачи томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқа воситаси ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар аризачининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

28. Ветеринария-санитария хулосаси қайта расмийлаштирилгунга қадар, аризачи ёки унинг ҳуқуқий вориси (меросхўри) ветеринария-санитария хулосасини қайта расмийлаштириш тўғрисида берилган, қабул қилиб олинган санаси ҳақида ваколатли органнинг белгиси қўйилган ариза асосида унда кўрсатилган ҳаракатни ва (ёки) фаолиятни бажаради ёки амалга оширади.

29. Ветеринария-санитария хулосаси қайта расмийлаштирилганда ваколатли орган берилган ветеринария-санитария хулосалари реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади.

Ветеринария-санитария хулосасини қайта расмийлаштириш ва бериш ваколатли орган томонидан ариза ва унга илова қилинган тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг уч иш кунидан ошмаган муддатда амалга оширилади.

30. Аризачидан ушбу Низомнинг 25 ва 26-бандларида назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишнинг талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

31. Ветеринария-санитария хулосаси йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда аризачининг аризасига асосан унинг дубликати берилади.

Ваколатли орган аризачидан ариза қабул қилиб олинган кундан бош-

лаб уч иш кунидан кўп бўлмаган муддатда ветеринария-санитария хулосаси дубликатини, шунингдек яроқсиз ҳолдаги ветеринария-санитария хулосасининг асл нусхасини бериши (юбориши) шарт.

32. Ветеринария-санитария хулосасини қайта расмийлаштириш, унинг дубликатини бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун йиғимлар ундирилмайди.

### **7-боб. Ветеринария-санитария хулосасининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки уни бекор қилиш**

33. Ветеринария-санитария хулосасининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки уни бекор қилиш «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тегишли равишда 22, 23 ва 25-моддаларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда амалга оширилади.

34. Ветеринария-санитария хулосасининг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиш учун асос бўладиган, рухсат бериш талаблари ва шартларининг бир маротаба қўпол равишда бузилишига ҳайвонларни сўйиш натижасида одамлар ҳаётига ва саломатлигига зарар етказиш ёхуд зарар етказилишининг реал хавфини пайдо қилиш киради.

### **8-боб. Берилган ветеринария-санитария хулосалари реестри**

35. Ваколатли орган берилган ветеринария-санитария хулосалари реестрини юритади ва уни ўз расмий веб-сайтида жойлаштиради.

36. Берилган ветеринария-санитария хулосалари реестрида қуйидаги асосий маълумотлар кўрсатилади:

аризачилар тўғрисида (аризачи — юридик шахсларнинг номи, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), телефони; аризачи — жисмоний шахслар учун — аризачининг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорти маълумотлари, почта манзили, телефони);

ветеринария-санитария хулосасининг берилган санаси ва тартиб рақами;

ветеринария-санитария хулосасини қайта расмийлаштириш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклаш, амал қилиш муддатини узайтиришнинг асослари ва саналари;

ветеринария-санитария хулосаси амал қилишини тўхтатишнинг асослари ва саналари;

ветеринария-санитария хулосаси дубликатларини беришнинг асослари ва саналари;

ветеринария-санитария хулосаларини бекор қилишнинг асослари ва санаси.

37. Берилган ветеринария-санитария хулосаларининг реестридаги маълумотлар танишиб чиқиш учун очиқ ҳисобланади.

**9-боб. Яқунловчи қоида**

38. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Ихтисослашган сўйиш корхоналарининг ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқлиги ҳақида ветеринария-санитария хулосаси бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Ихтисослашган сўйиш корхоналарининг ветеринария,  
ветеринария-санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқлиги  
ҳақида ветеринария-санитария хулосаси бериш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
I босқич	Аризачи	Ушбу Низомнинг 7-бандига асосан ветеринария-санитария хулосалари олиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлайди. Ваколатли органга ҳужжатларни бевосита, почта алоқа воситаси орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этади.	Аризачининг хоҳишига кўра.
II босқич	Ваколатли орган	1. Аризачидан ҳужжатларни бевосита, почта алоқа воситаси орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабар берган ҳолда қабул қилади. 2. Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш натижаси бўйича ваколатли органнинг ветеринария мутахассислари томонидан раҳбариятга ветеринария-санитария хулосаси бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида таклиф киритиш учун мувофиқлик далолатномаси тузилади (шу жумладан ветеринария-санитария хулосаси беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар аризачи томонидан бартараф этилгандан сўнг ҳужжатлар қайта тақдим этилганда). 3. Раҳбар (бошлиқ ёки унинг ўринбосари) мувофиқлик далолатномаси асосида ветеринария-санитария хулосасини имзолайди ёки хулоса беришни рад этади. 4. Аризачига ветеринария-санитария хулосаси беради (жўнатади) ёки рад этиш ҳақида ёзма шаклда хабардор қилади. 5. Ветеринария-санитария хулосаси беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома аризачига рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва аризачи мазкур сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади (топширилади).	Ҳужжатлар қабул қилинган кун.  Ариза олингандан кейин 7 иш кунидан ошмаган муддатда.  Тегишли қарор қабул қилингандан кейин 1 иш кунидан кечиктирмай.



11 (771)-сон

— 85 —

166-модда

Ихтисослашган сўйиш корхоналарининг  
ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари  
ва меъёрларига мувофиқлиги ҳақида  
ветеринария-санитария хулосаси бериш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Ветеринария-санитария хулосаси бериш учун  
АРИЗА**

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_

ихтисослашган сўйиш корхоналарининг ветеринария, ветеринария-  
санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқлиги тўғрисида

\_\_\_\_\_ (объект номи, хайвон турлари)

1. Юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг Ф.И.О.: \_\_\_\_\_
2. Манзили (почта манзили): \_\_\_\_\_  
Индекси: \_\_\_\_\_, телефони: \_\_\_\_\_, факси ёки эл. почтаси: \_\_\_\_\_.
3. СТИР: \_\_\_\_\_
4. Амалдаги фаолият кўрсатиш манзили: \_\_\_\_\_

5. Аризага илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати:  
ихтисослашган сўйиш корхонасининг жойлашиш схемаси;  
ихтисослашган сўйиш корхонаси хоналарининг қурилиш, техник ва ишлаб чиқариш тавсифи тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаси;

Аризачи раҳбари \_\_\_\_\_

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

(мавжуд бўлганда)

Ихтисослашган сўйиш корхоналарининг ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқлиги ҳақида ветеринария-санитария ҳулосаси бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
З-ИЛОВА

**Мувофиқлик далолатномаси**

№ \_\_\_\_\_

Туман (шаҳар) давлат ветеринария хизмати бўлими ветеринария мутахассислари томонидан: \_\_\_\_\_

20\_\_ йил \_\_\_\_\_ дан \_\_\_\_\_ гача \_\_\_\_\_

(объект, маҳсулот, технология номи)

\_\_\_\_\_ техник экспертизадан ўтказилди.  
(ташкилот номи)

1. Ариза рақами ва санаси: \_\_\_\_\_  
(объект, маҳсулот, технология номи)

Мувофиқлиги (номувофиқлиги) аниқланди: \_\_\_\_\_

(меъёрий ҳужжатлар бандлари ва бўлимлари номлари, рақамлари)

2. \_\_\_\_\_  
(объект, маҳсулот, технологиянинг қисқача тавсифи)

3. Ишларнинг техник ҳужжатлари: \_\_\_\_\_  
(мувофиқлиги (номувофиқлиги))

4. Технологик асбоб-ускуна ва жиҳозлари: \_\_\_\_\_  
(мувофиқлиги (номувофиқлиги))

5. Ходимларга қўйилган талаблар: \_\_\_\_\_  
(мувофиқ (номувофиқ))

6. Ташкилотнинг ички назоратига талаблар: \_\_\_\_\_  
(мувофиқлиги (номувофиқлиги))

**11 (771)-сон**

**— 87 —**

**166-модда**

Туман (шаҳар) давлат ветеринария хизмати бўлимлари ветеринария мутахассисларининг дарҳол ва келгусида тадбирлар ўтказиш бўйича таклифлари:

қонунчиликнинг белгиланган талабларига мувофиқ ветеринария хулосаси бериш тўғрисида якуний хулоса:

Натижаларга асосан: \_\_\_\_\_  
(ўрганиш бўйича кўрилган чоралар)

\_\_\_\_\_ НИНГ  
(объект, маҳсулот, технология)

қонунчилик талабларига мувофиқлиги (номувофиқлиги) аниқланди.

**Туман (шаҳар) давлат ветеринария хизмати бўлимларининг ветеринария мутахассислари:**

\_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

**Аризачи вакили:**

\_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (сана)

Ихтисослашган сўйиш корхоналарининг ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқлиги ҳақида ветеринария-санитария хулосаси бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

Давлат ветеринария  
бўлими



Государственный  
ветеринарный отдел

### Ветеринария-санитария хулосаси

Берилган ветеринария-санитария хулосалари реестрида  
20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_ билан рўйхатдан  
ўтказилган  
Амал қилиш муддати: 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ гача

**1. Мазкур хулоса ушбунни тасдиқлайди:**

\_\_\_\_\_ (объект номи, сўйилган ҳайвон турлари)

**Қонунчилик талабларига мувофиқ ва қўйидаги ҳуқуқларни беради:** \_\_\_\_\_

**2. Хулоса қўйидаги таҳлил натижаларига асосланган:**

\_\_\_\_\_ (далолатномалар, мутахассис хулосалари ва х. к.)

**3. Хулоса қўйидагиларга асосан берилди:**

\_\_\_\_\_ (бандлар номи, рақамлари, меъерий-ҳуқуқий далолатномалар ва х. к.)

**4. Ушбу хулоса сўйилган ҳайвонлардан олинган чорвачилик маҳсулотларини сотиш ҳуқуқини бермайди.**

Раҳбар \_\_\_\_\_

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

(мавжуд бўлганда)

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 15 мартдаги 139-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар ва хом ашёларни ишлаб  
чиқариш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланувчи субъект  
фаолиятининг ветеринария, ветеринария-санитария  
қоидалари ва меъёрларига мувофиқлиги ҳақида  
ветеринария-санитария хулосаси бериш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Ветеринария тўғрисида» ва «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланувчи субъект фаолиятининг ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқлиги бўйича ветеринария-санитария хулосаси бериш тартибини белгилайди.

2. Ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланувчи субъект фаолиятининг ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқлиги ҳақида ветеринария-санитария хулосаси бериш ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема ва шакл бўйича амалга оширилади.

3. Ветеринария-санитария хулосаси беш йил муддатга берилади.

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**аризачи** — ветеринария-санитария хулосаси олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат ветеринария бошқармаларига ҳужжатлар тақдим этувчи тадбиркорлик субъекти (юридик шахс ёки юридик шахс мақомига эга бўлмаган яқка тартибдаги тадбиркор);

**ваколатли орган** — аризачининг ветеринария-санитария хулосаси бериш учун ёзган аризасини кўриб чиқувчи ва белгиланган тартибда ветеринария-санитария хулосасини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат ветеринария бошқармалари;

**ветеринария-санитария хулосаси** — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат ветеринария бошқармалари томонидан ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланувчи субъект фаолиятининг ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқлигини тасдиқлаш бўйича аризачига берилган ҳужжат.

**2-боб. Рухсат этувчи талаблар ва шароитлар**

5. Қўйидагилар ветеринария-санитария хулосаси беришда рухсат этувчи талаб ва шартлар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси томонидан тасдиқланадиган ветеринария, ветеринария-санитария қоида ва меъёрларига риоя қилиш;

хайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш учун бино ва бошқа иншоотларни ветеринария, ветеринария-санитария қоида ва меъёрларига мувофиқ сақлаш.

**3-боб. Ветеринария-санитария хулосаси олиш учун зарур ҳужжатлар**

6. Ветеринария-санитария хулосаси олиш учун аризачи ваколатли органга қўйидагиларни тақдим этади:

ветеринария-санитария хулосаси олиш тўғрисида 2-иловага мувофиқ шаклдаги ариза;

хайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш фаолиятини амалга ошириш учун иншоотларнинг қурилиш, техник ва ишлаб чиқариш тавсифи тўғрисидаги ҳужжатлар нусхалари.

7. Аризачидан ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

8. Ветеринария-санитария хулосаси олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар аризачи томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқа воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар аризачининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

9. Ветеринария-санитария хулосаси олиш учун ваколатли органга тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган тартибда рўйхат бўйича қабул қилиниб, ҳужжатларнинг қабул қилинган санаси кўрсатилган ҳолда аризачига дархол берилади (юборилади).

10. Аризачига ветеринария-санитария хулосасини бериш учун давлат бошқа органларида мавжуд бўлган ҳужжат ва маълумотлар талаб этилган ҳолларда, «ягона дарча» тамойили бўйича соддалаштирилган тартибдаги сўров жўнатилиб, ваколатли орган ушбу ҳужжатларни аризачи иштирокисиз қабул қилиб олади.

**4-боб. Ветеринария-санитария хулосаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш. Ветеринария-санитария хулосаси бериш**

11. Ваколатли орган ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган ҳужжатлар қабул қилинган кундан бошлаб уларни етти иш кунидан ошмаган

муддатда кўриб чиқиб, ветеринария-санитария хулосаси бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ветеринария-санитария хулосаси бериш тўғрисидаги аризанинг кўриб чиқилиши учун йиғим ундирилмайди.

Ваколатли орган томонидан ветеринария-санитария хулосаси давлат ветеринария лабораториялари томонидан ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёларнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги бўйича тегишли текширишлар ўтказилгандан сўнг берилади. Ўтказилган текшириш натижалари юзасидан ветеринария лабораториялари томонидан ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ далолатнома тузилиб, ваколатли органга тақдим этилади.

12. Ветеринария-санитария хулосаси ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда берилади.

13. Ваколатли орган тегишли қарор қабул қилингандан бошлаб бир иш кунидан кечиктирмаган ҳолда аризачига ветеринария-санитария хулосасини беради (юборади) ёки ветеринария-санитария хулосаси беришни рад этиш тўғрисида аризачини ёзма равишда хабардор қилади.

Аризачининг аризаси кўриб чиқилиши учун йиғим ундирилмайди.

14. Ветеринария-санитария хулосасини бериш куйидаги асосларга кўра рад этилиши мумкин:

аризачи томонидан ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганда;

аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда;

аризачи рухсат этувчи талаблар ва шартларга мувофиқ бўлмаганда.

15. Бошқа асосланмаган сабабларга, шу жумладан мақсадга номувофиқлигига кўра ветеринария-санитария хулосасини беришни рад этишга йўл кўйилмайди.

16. Ветеринария-санитария хулосасини беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома аризачига рад этиш сабаблари, конун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва аризачи мазкур сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

17. Ветеринария-санитария хулосасини беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар белгиланган муддатда аризачи томонидан бартараф этилган тақдирда, ваколатли орган томонидан ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, ветеринария-санитария хулосаси бериш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш аризачининг аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг етти иш кунидан кўп бўлмаган муддатда кўриб чиқилади.

Аризачи аризасининг қайта кўриб чиқилиши учун йиғим ундирилмайди.

18. Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда ваколатли орган томонидан аризачига илгари ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда баён қилинмаган рад этиш сабабларини келтиришга йўл кўйил-

майди, илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи хужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши бундан мустасно.

19. Ветеринария-санитария хулосаси бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан сўнг аризачи томонидан топширилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва ваколатли орган томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

20. Аризачи ветеринария-санитария хулосаси беришнинг рад этилиши, шунингдек ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ёки ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

21. Ветеринария-санитария хулосаси берилган аризачиларга ушбу Низомнинг 5-иловасига мувофиқ фаолият турлари бўйича тартиб рақами ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ҳарфий-рақамли коддини ҳисобга олган ҳолда рўйхатга олиш рақами берилади.

#### **5-боб. Ветеринария-санитария хулосасининг амал қилиш муддатини узайтириш**

22. Ветеринария-санитария хулосасининг амал қилиш муддати тугагач, аризачининг аризасига кўра унинг муддати узайтирилиши мумкин.

23. Ветеринария-санитария хулосасининг муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза ваколатли органга ветеринария-санитария хулосасининг амал қилиш муддати тугамасдан аввал топширилиши керак.

24. Ветеринария-санитария хулосасининг муддатини узайтириш ветеринария-санитария хулосасини бериш учун назарда тутилган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

25. Ветеринария-санитария хулосасининг муддатини узайтириш учун йиғим ундирилмайди.

#### **6-боб. Ветеринария-санитария хулосасини қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш**

26. Аризачи — юридик шахс ўзгартирилганда, унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, аризачи ёхуд унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш куни мобайнида ваколатли органга ветеринария-санитария хулосасини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи хужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.

27. Жисмоний шахс бўлган аризачининг унга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда, аризачи қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш куни мобайнида ваколатли органга ветеринария-санитария хулосасини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани тегишли хужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.

28. Хужжатлар аризачи томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқа воситаси орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида ха-



бардор қилинган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар аризачининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

29. Ветеринария-санитария хулосаси қайта расмийлаштирилгунга қадар, аризачи ёки унинг ҳуқуқий вориси (меросхўри) ветеринария-санитария хулосасини қайта расмийлаштириш тўғрисида берилган, қабул қилиб олинган санаси ҳақида ваколатли органнинг белгиси қўйилган ариза асосида унда кўрсатилган ҳаракатни ва (ёки) фаолиятни бажаради ёки амалга оширади.

30. Ветеринария-санитария хулосаси қайта расмийлаштирилганда ваколатли орган берилган ветеринария-санитария хулосалари реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади.

Ветеринария-санитария хулосасини қайта расмийлаштириш ва бериш ваколатли орган томонидан ариза ва унга илова қилинган тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг уч иш кунидан ошмаган муддатда амалга оширилади.

31. Аризачидан ушбу Низомнинг 26 ва 27-бандларида назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишнинг талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

32. Ветеринария-санитария хулосаси йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда, аризачининг аризасига асосан унинг дубликати берилади.

Ваколатли орган аризачидан ариза қабул қилиб олинган кундан бошлаб уч иш кунидан кўп бўлмаган муддатда ветеринария-санитария хулосаси дубликатини, шунингдек яроқсиз ҳолдаги ветеринария-санитария хулосасининг асл нусхасини бериши (юбориши) шарт.

33. Ветеринария-санитария хулосасини қайта расмийлаштириш, унинг дубликатини бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун йиғимлар ундирилмайди.

#### **7-боб. Ветеринария-санитария хулосасининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни бекор қилиш**

34. Ветеринария-санитария хулосасининг амал қилишини тўхтатиб туриш (тиклаш), тўхтатиш ва хулосани бекор қилиш «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тегишли равишда 22, 23 ва 25-моддаларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда амалга оширилади.

35. Ветеринария-санитария хулосасининг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиш учун асос бўладиган, рухсат бериш талаблари ва шартларининг бир маротаба қўпол равишда бузилишига ҳайвонларни сўйиш натижасида одамлар ҳаёти ва саломатлигига зарар етказиш ёхуд зарар етказилишининг реал хавфини пайдо қилиш киради.

#### **8-боб. Берилган ветеринария-санитария хулосалари реестри**

36. Ваколатли орган берилган ветеринария-санитария хулосалари реестрини юритади ва уни ўз расмий веб-сайтида жойлаштиради.

37. Берилган ветеринария-санитария хулосалари реестрида қуйидаги асосий маълумотлар кўрсатилади:

аризачилар тўғрисида (аризачи — юридик шахсларнинг номи, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), телефони; аризачи — жисмоний шахслар учун — аризачининг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорти маълумотлари, почта манзили, телефони);

ветеринария-санитария хулосасининг берилган санаси ва тартиб рақами;

ветеринария-санитария хулосасини қайта расмийлаштириш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклаш, амал қилиш муддатини узайтиришнинг асослари ва саналари;

ветеринария-санитария хулосасининг амал қилишини тўхтатиш асослари ва саналари;

ветеринария-санитария хулосаси дубликатларини беришнинг асослари ва саналари;

ветеринария-санитария хулосасини бекор қилишнинг асослари ва санаси.

38. Берилган ветеринария-санитария хулосалари реестридаги маълумотлар танишиб чиқиш учун очиқ ҳисобланади.

#### **9-боб. Яқунловчи қоида**

39. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятининг ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқлиги ҳақида ветеринария-санитария хулосаси бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятининг ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқлиги ҳақида ветеринария-санитария хулосаси бериш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
I босқич	Аризачи	<p>Ушбу Низомнинг 6-бандига асосан ветеринария-санитария хулосалари олиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлайди.</p> <p>Ваколатли органга ҳужжатларни бевосита, почта алоқа воситаси орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этади.</p>	Аризачининг хоҳишига кўра.
II босқич	Ваколатли орган	<p>1. Аризачидан ҳужжатларни бевосита, почта алоқа воситаси орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабар берган ҳолда қабул қилади.</p> <p>2. Тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилиши натижаси бўйича ваколатли органнинг ветеринария мутахассислари томонидан раҳбариятга ветеринария-санитария хулосаси бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида таклиф киритиш учун мувофиқлик далолатномаси тузилади (шу жумладан ветеринария-санитария хулосаси беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар аризачи томонидан бартараф этилгандан сўнг ҳужжатлар қайта тақдим этилганда).</p> <p>3. Раҳбар (бошлиқ ёки унинг ўринбосари) мувофиқлик далолатномаси асосида ветеринария-санитария хулосасига имзо қўяди ёки беришни рад этади.</p> <p>4. Аризачига ветеринария-санитария хулосасини беради (жўнатади) ёки беришни рад этиш ҳақида ёзма шаклда хабардор қилади.</p> <p>5. Ветеринария-санитария хулосаси беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома аризачига рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва аризачи мазкур сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда берилди (топширилади).</p>	<p>Ҳужжатлар қабул қилинган кунда.</p> <p>Ариза олингандан кейин 7 иш кунидан ошмаган муддатда.</p> <p>Тегишли қарор қабул қилингандан кейин 1 иш кунидан кечиктирмай.</p>

Ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятининг ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқлиги ҳақида ветеринария-санитария хулосаси бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Ветеринария-санитария хулосаси бериш учун  
АРИЗА**

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_

Ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятининг ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқлиги тўғрисида \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (объект номи, маҳсулот турлари)

1. Юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли ёки яқка тартибдаги тадбиркорнинг Ф.И.О.: \_\_\_\_\_

2. Манзили

(почта манзили): \_\_\_\_\_

Индекси: \_\_\_\_\_, телефони: \_\_\_\_\_, факси ёки эл.почтаси: \_\_\_\_\_.

3. СТИР: \_\_\_\_\_

4. Аризага илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати: \_\_\_\_\_

**Аризачи раҳбари**

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

М.Ў.

(мавжуд бўлганда)

Ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятининг ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқлиги ҳақида ветеринария-санитария хулосаси бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
З-ИЛОВА

**Мувофиқлик далолатномаси**

№ \_\_\_\_\_

Қорақалповистон Республикаси, вилоятлар ва шаҳар давлат ветеринария лабораториялари мутахассислари томонидан: \_\_\_\_\_

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ дан \_\_\_\_\_ гача \_\_\_\_\_

(объект, маҳсулот, технология номи)

\_\_\_\_\_ ветеринария-санитария экспертизасидан ўтказилди.

1. Ариза рақами ва санаси: \_\_\_\_\_

(объект, маҳсулот, технология номи)

Мувофиқлиги (номувофиқлиги) аниқланди: \_\_\_\_\_

(меъёрий ҳужжатлар бандлари ва бўлимлари номлари, рақамлари)

2. Ишларнинг техник ҳужжатлари: \_\_\_\_\_

(мувофиқлиги (номувофиқлиги))

3. Технологик жиҳоз ва асбоб-ускуналар: \_\_\_\_\_

(мувофиқлиги (номувофиқлиги))

4. Ходимларга талаблар: \_\_\_\_\_

(мувофиқлиги (номувофиқлиги))

5. Ташкилот ички назоратига талаблар: \_\_\_\_\_

(мувофиқлиги (номувофиқлиги))

6. Маҳсулотга талаблар: \_\_\_\_\_

(мувофиқлиги (номувофиқлиги))

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

166-модда

— 98 —

11 (771)-сон

Қонунчилик талабларига мувофиқлиги (номувофиқлиги) аниқланди:

---

(объект, маҳсулот, технология номи)

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва шаҳар давлат ветеринария лабораториялари мутахассислари:**

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)

**Аризачининг вакили:**

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_

(сана)

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

Ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятининг ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқлиги ҳақида ветеринария-санитария хулосасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

Давлат ветеринария  
бошқармаси



Управление Государственный  
ветеринарии

### Ветеринария-санитария хулосаси

Берилган ветеринария-санитария хулосалари реестрида  
20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_ билан рўйхатдан  
ўтказилган

Амал қилиш муддати: 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ гача

#### 1. Мазкур хулоса билан ушбуни тасдиқлаймиз:

(объектнинг номи, СТИР, (хайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашё тури, технология номи))

Ишлаб чиқилган: \_\_\_\_\_  
(аризачи номи)

ветеринария, ветеринария-санитария қоида ва меъёрларига мувофиқ:

#### 2. Хулоса қўйидаги таҳлил натижаларига асосланган:

(далолатномалар, мутахассис хулосалари ва х. к.)

#### 3. Хулоса қўйидагиларга асосан берилди:

(бандлар номи, рақамлари, меъёрий-ҳуқуқий далолатномалар ва х. к.)

Раҳбар \_\_\_\_\_

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

(мавжуд бўлганда)

Ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятининг ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқлиги ҳақида ветеринария-санитария хулосаси бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
5-ИЛОВА

**I. Ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланувчи объектлар тартиб рақами**

Т/р	Фаолият тури Маҳсулот коди	Код
1.	Ҳайвонларни сўйиш ва дастлабки ишлов бериш, паррандадан ташқари, қолган маҳсулотларни сақлаш ва сотиш билан шуғулланувчи объектлар.	U1
2.	Паррандаларни сўйиш ва дастлабки ишлов бериш, олинган маҳсулотларни сақлаш ва сотиш билан шуғулланувчи объектлар.	U2
3.	Қуйидагиларни қайта ишловчи объектлар:	
	гўшт	G1
	балиқ ва балиқ маҳсулотлари	G2
	асал ва асаларичилик маҳсулотлари	G3
	сут ва сут маҳсулотлари	G4
	ҳайвонотга мансуб хом ашё	G5
4.	Ветеринария дори воситаларини сақловчи ва сотувчи объектлар	D1
5.	Ветеринария дори воситаларини ишлаб чиқарувчи ва сотувчи объектлар	D2
6.	Ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёларни сақлаш ва сотишни амалга оширувчи объектлар	C
7.	Озуқа ва озуқа қўшимчаларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланувчи объектлар	K
8.	Бошқа номланмаган объектлар	P

**II. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ҳарфий-рақамли коди, вилоятга бўйсунувчи туман, шаҳарлар объектларига рўйхатга олиш рақамларини бериш учун тартиб рақамлари**

Т/р	Код	Номи
1.	UZ	Ўзбекистон Республикаси
2.	01	Қорақалпоғистон Республикаси
3.	02	Анджон вилояти
4.	03	Бухоро вилояти
5.	04	Жиззах вилояти
6.	05	Қашқадарё вилояти
7.	06	Навоий вилояти
8.	07	Наманган вилояти
9.	08	Самарқанд вилояти
10.	09	Сурхондарё вилояти



Т/р	Код	Номи
11	10	Сирдарё вилояти
12	11	Тошкент вилояти
13	12	Фарғона вилояти
14	13	Хоразм вилояти
15	14	Тошкент ш.

Рўйхатга олиш рақами белгилардан ташкил топган ва қуйидаги структурага эга:  
1-белги — Ўзбекистон Республикаси коди

2-белги — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри коди

3-белги — вилоятга бўйсунувчи туман (шаҳар) коди

4-белги — маҳсулот тури коди

5-белги — объектнинг рўйхатга олиш рақами

6-белги — экспортчи коди

Мисол учун:  
Uz 01-002/G4-001/E  
Uz — Ўзбекистон Республикаси,  
01 — Қорақалпоғистон Республикаси,  
002 — Нукус ш.,  
G4 — сут,  
001 — объект  
E — экспортчи

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 15 мартдаги 139-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Маҳаллий ва импорт қилинадиган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Ветеринария тўғрисида» ва «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда маҳаллий ва импорт қилинадиган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни (кейинги ўринларда ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчалар деб аталади) рўйхатдан ўтказиш ва ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларга рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартибини белгилайди.

2. Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказганлик гувоҳномаси бериш ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема ва шакл бўйича амалга оширилади.

3. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси аризачига ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича 5 йил муддатга бериледи.

Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни сотиб олиш мажбуриятини юкламайди ва сифат сертификати ҳисобланмайди.

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**аризачи** — ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси олиш мақсадида ваколатли органга мурожаат этувчи тадбиркорлик субъекти (юримдик шахс ёки юримдик шахс мақомига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркор);

**ваколатли орган** — аризачининг аризасини кўриб чиқиш, ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси берилишини таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси;

**рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси** — ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни ишлаб чиқариш, сотиш, қўллаш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат.

5. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасига эга бўлмаган ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни ишлаб чиқариш, сотиш, қўллаш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишга йўл қўйилмайди

6. Ушбу Низом 5-бандининг талаблари қуйидаги мақсадларда олиб келинаётган ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларга татбиқ этилмайди:

— экспертизадан ўтказиш учун синов партиялари ва намуналари сифатида;

— кўргазмалар, апробация ва синовлар ўтказиш доирасида;

— ҳайвонларнинг ўта хавфли касалликлари бўйича фавқулодда ҳолатлар юзага келганда бюджет ташкилотларининг талабига кўра келтириладиган.

## 2-боб. Рухсат этувчи талаблар ва шартлар

7. Қуйидагилар ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни ишлаб чиқариш, сотиш, қўллаш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишда рухсат этувчи талаб ва шартлар ҳисобланади:

аризачи томонидан ветеринария қонунчилигига, ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни рўйхатга олиш ҳужжатларидаги маълумотларда ҳавола қилинган меъёрий-техник ҳужжатларга сўзсиз риоя этиш;

рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси амал қилиш даврида рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси эгаси томонидан рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш тўғрисида, мазкур ўзгартиришлар киритилишининг сабаблари, ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг самарадорлиги, хавфсизлиги, сифат кўрсаткичларига таъсири ҳақида тўлиқ маълумотлар келтирган ҳолда ваколатли органни хабардор қилиш;

республика ҳудудидаги биологик хавфсизликни таъминлаш мақсадида ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни ишлаб чиқариш шароитларини ўрганиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси қошидаги Марказий режим комиссиясининг хулосасига мувофиқ ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчалар ишлаб чиқаришни амалга ошириш;

рўйхатдан ўтказиш хужжатларидаги камчиликларни ўз вақтида барта-  
раф этиш.

**3-боб. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси олиш учун  
зарур бўлган хужжатлар ва намуналар**

8. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини олиш учун аризачи (ёки унинг номидан ҳаракат қилувчи ишончли вакил) ваколатли органга мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда ариза тақдим этиб, унга қўйидаги-  
ларни илова қилади:

аризачининг номидан ҳаракат қилувчи ишончли вакил учун белгилан-  
ган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ ветеринария дори воситалари  
ва озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш учун талаб этиладиган  
хужжатлар ва намуналар.

9. Тадбиркорлик субъектидан ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутил-  
маган хужжатлар ва намуналарни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйил-  
майди.

10. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси олиш учун зарур бўлган хуж-  
жатлар аризачи томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқа восита-  
лари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилин-  
ган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган хужжатлар ари-  
зачининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Бунда ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни рўйхат-  
дан ўтказиш учун зарур намуналар бевосита ёки почта алоқа воситаси ор-  
қали тақдим этилади.

11. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини олиш учун ваколатли орган-  
га тақдим этилган хужжатлар белгиланган тартибда рўйхат бўйича қабул  
қилинади, хужжатларнинг қабул қилинган санаси кўрсатилган ҳолда дар-  
хол аризачига берилади (юборилади).

12. Аризачига рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини бериш учун  
давлат бошқа органларида мавжуд бўлган хужжат ва маълумотлар талаб  
этилган ҳолатларда, «ягона дарча» тамойили бўйича соддалаштирилган тар-  
тибдаги сўров жўнатилиб, ваколатли орган ушбу хужжатларни аризачи  
иштирокисиз қабул қилиб олади.

13. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини олиш учун тақдим этилган  
хужжатлардаги махфий маълумотлар ваколатли орган томонидан ошкор  
қилинмаслиги лозим.

**4-боб. Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп  
қўшимчаларга рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш  
тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш. Рўйхатдан ўтказилганлик  
гувоҳномасини бериш**

14. Ваколатли орган мазкур Низомнинг 8-бандига мувофиқ хужжатлар

қабул қилиб олингандан сўнг уч иш кунидан кечиктирмай, аризачи томонидан тақдим этилган хужжатларнинг тўлиқлигини кўриб чиқади ва белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси қошидаги Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг сифат назорати лабораториясига юборади.

15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси қошидаги Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг сифат назорати лабораторияси ўттиз иш кунидан ошмаган муддатда қуйидагиларни амалга оширади:

ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган хужжатларни экспертизадан ўтказиш;

ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни ишлаб чиқариш шароитлари, ишлаб чиқарувчи корхонанинг ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва сифат назоратини олиб бориш қоидалари талабларига мувофиқлигини (ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг сифатини мувофиқлаштирувчи халқаро стандартлар ишлаб чиқарувчи ташкилотда жорий этилган бўлса) баҳолаш;

ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг лаборатория синовлари ва таҳлилларини ўтказиш;

ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг таъсирчанлиги, зарарсизлиги ва сифатини таҳлил қилиш;

ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчалар намуналарини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларга, сифат кўрсаткичлари ҳамда тавсия этилган синов усуллари ўтказилишига мувофиқлигини ўрганиш.

Бунда ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни апробация қилиш ва синаш ишлари ваколатли орган томонидан тасдиқланган ва аризачи билан келишилган синовлар дастурига мувофиқ амалга оширилади.

Янги, оригинал ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчалар ишлаб чиқарилишини кўриб чиқишда ваколатли орган томонидан ушбу бандда кўзда тутилган ишлар амалга оширилади. Аввалдан маълум бўлган ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчалар (генериклар) ишлаб чиқарилишини кўриб чиқишда ваколатли орган фақат аризачи томонидан тақдим этилган ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг хужжатларини экспертизадан ўтказиш ишларини бажаради.

16. Ваколатли орган мазкур Низомнинг 8-бандига мувофиқ хужжатлар қабул қилиб олингандан сўнг ўттиз иш кунидан кечиктирмай, Давлат ветеринария бош бошқармаси қошидаги Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг сифат назорати лабораторияси ҳамда Илмий-техник кенгаш хулосаларини ҳисобга олган ҳолда рўйхатдан ўтказганлик гувоҳномаси бериш ёки беришнинг рад этилганлиги тўғрисида қарор қабул қилади.

17. Ваколатли орган тегишли қарор қабул қилингандан бошлаб бир иш кунидан кечиктирмаган ҳолда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини юбо-

ради (топширади) ёки рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини беришни рад этиш тўғрисида аризачини ёзма равишда хабардор қилади.

18. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини олиш бўйича аризани кўриб чиқиш, шунингдек ушбу Низомнинг 15-бандида назарда тутилган ишларнинг бажарилиши учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдорида йиғим ундирилади.

Йиғим суммаси Давлат ветеринария бош бошқармаси қошидаги Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг сифат назорати лабораторияси ҳисоб рақамига ўтказилади.

Аризачи рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси олиш учун тақдим этилган аризасидан воз кечган тақдирда тўланган йиғим қайтариб берилмайди.

Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш, уни ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, дубликат бериш, амал қилиш муддатини узайтириш, қайта расмийлаштириш учун хорижий ишлаб чиқарувчи (ёки унинг номидан ҳаракат қилувчи вакили) томонидан тақдим этилган аризанинг кўриб чиқилиши учун ундириладиган йиғим миқдори Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан, Давлат ветеринария бош бошқармаси қошидаги Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг сифат назорати лабораториясида юқоридаги ишларни амалга ошириш учун сарфланган харажатлар миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

19. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорида йиғим ундирилади.

Ундирилган йиғим суммаси ваколатли орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

20. Қўйидагилар рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси беришни рад этиш учун асос ҳисобланади:

аризачи томонидан ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганда;

аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда;

аризачи рухсат этувчи талаблар ва шартларга мувофиқ бўлмаганда;

ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда, шунингдек апробация ва синов натижаларининг яқунлари бўйича асослантирилган салбий хулосалар олинганда.

21. Бошқа асосланмаган сабабларга, шу жумладан мақсадга номувофиқлигига кўра рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

22. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома аризачига рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва аризачи мазкур сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади (топширилади).

Аризачи рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш рад этилганлиги сабабларини бартараф этиш ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга ҳақли

бўлган муддат рад этиш ҳақидаги ёзма ёки электрон хабар олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлиши мумкин эмас.

23. Аризачи томонидан рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар белгиланган муддатда бартараф этилган ҳолатларда, ваколатли орган томонидан хужжатларни қайта кўриб чиқиш, рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш аризачининг аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф қилинганлигини тасдиқловчи хужжатлар тақдим этилгандан сўнг ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Аризачининг аризасини қайта кўриб чиқиш учун йиғим ундирилмайди.

24. Хужжатларни такроран кўриб чиқишда ваколатли орган томонидан аризачига илгари ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда баён қилинмаган рад этиш сабабларини келтиришга йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи хужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши бундан мустасно.

25. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан сўнг аризачи томонидан топширилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва ваколатли орган томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

26. Аризачи рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси беришнинг рад этилиши, шунингдек ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ёки ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

#### **5-боб. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш**

27. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугагач, аризачининг аризасига кўра унинг муддати узайтирилиши мумкин.

28. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза ваколатли органга рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугашига 90 кун қолганда топширилиши керак.

29. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг муддатини узайтириш рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини бериш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

#### **6-боб. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш**

30. Аризачи — юридик шахс ўзгартирилганда, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, аризачи ёхуд унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш куни мобайнида ваколатли органга рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи хужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.

31. Жисмоний шахс бўлган аризачининг унга давлат рўйхатидан ўтка-

зилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда, аризачи қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш куни мобайнида ваколатли органга рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.

32. Ҳужжатлар аризачи томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқа воситаси орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар аризачининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

33. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси қайта расмийлаштирилгунга қадар, аризачи ёки унинг ҳуқуқий вориси (меросхўри) рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини қайта расмийлаштириш тўғрисида берилган, қабул қилиб олинган санаси ҳақида ваколатли органнинг белгиси қўйилган ариза асосида унда кўрсатилган ҳаракатни ва (ёки) фаолият турини бажаради ёки амалга оширади.

34. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси қайта расмийлаштирилганда ваколатли орган берилган рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномалари реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади.

Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини қайта расмийлаштириш ва бериш ваколатли орган томонидан ариза ва тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг уч иш кунидан ошмаган муддатда амалга оширилади.

35. Аризачидан ушбу Низомнинг 30 ва 31-бандларида кўзда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишнинг талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

36. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда аризачининг аризасига асосан унинг дубликати берилади.

Ваколатли орган аризачидан ариза қабул қилиб олинган кундан бошлаб уч иш кунидан кўп бўлмаган муддатда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг дубликатини, шунингдек яроқсиз ҳолдаги рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг асл нусхасини беради (юборади).

37. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини қайта расмийлаштириш, рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг дубликатини бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун йиғимлар ундирилмайди.

#### **7-боб. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни бекор қилиш**

38. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш (тиклаш), тўхтатиш ва уни бекор қилиш «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22, 23 ва 25-моддаларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда амалга оширилади.

39. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиш учун асос бўладиган рухсат бериш талаблари ва

шартларини бир маротаба қўпол равишда бузилишига рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси амал қилиши натижасида одамлар ёки ҳайвонлар ҳаёти ҳамда соғлиғига зарар етказиш ёхуд зарар етказилишининг реал хавфини пайдо қилиш киради.

### **8-боб. Берилган рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномалари реестри**

40. Ваколатли орган берилган рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномалари реестрини юритади ва уни ўз расмий веб-сайтида жойлаштиради.

41. Берилган рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномалари реестрида қуйидаги асосий маълумотлар кўрсатилади:

аризачилар тўғрисида (аризачи — юридик шахсларнинг номи, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), телефони; аризачи — жисмоний шахсларнинг телефони, фамилияси, исми, отасининг исми, паспорти маълумотлари, почта манзили, телефони);

ветеринария дори воситаси ва озуқабоп қўшимчанинг номи, уларнинг чиқарилиш шакли, фармакотерапевтик гуруҳи ва таъсир этувчи моддаси;

ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни ишлаб чиқарувчи мамлакат ва ишлаб чиқарувчи номи;

рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг берилган санаси ва тартиб рақами;

рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини қайта расмийлаштириш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва амал қилишини тиклаш, амал қилиш муддатини узайтиришнинг асослари ва санаси;

рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатишнинг асослари ва санаси;

рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси дубликатларини беришнинг асослари ва санаси;

рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини бекор қилишнинг асослари ва санаси.

42. Берилган рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномалари реестридаги маълумотлар танишиб чиқиш учун очиқ ҳисобланади.

### **9-боб. Яқунловчи қоида**

43. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.



Маҳаллий ва импорт қилинадиган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Маҳаллий ва импорт қилинадиган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1 босқич	Аризачи	<p>1. Ушбу Низомнинг 8-бандига асосан ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлайди.</p> <p>2. Ваколатли органга ҳужжатларни бевосита, почта алоқа воситаси орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар аризачининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.</p>	Аризачининг хоҳишига кўра.
2 босқич	Ваколатли орган	<p>1. Тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган тартибда рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхат нусхаси ҳужжатларнинг қабул қилинган санаси кўрсатилган ҳолда ваколатли орган томонидан дарҳол аризачига берилади (юборилади).</p> <p>2. Лабораторияга ҳужжатларни кўриб чиқиш учун жўнатади.</p>	Ҳужжатлар қабул қилингандан кейин 3 иш кун мобайнида
3 босқич	Дори воситалари ва озуқа қўшимчалари сифатини назорат қилиш лабораторияси, Илмий-техник кенгаш	<p>Ҳужжатларни кўриб чиқади, Низомнинг 15 ва 16-бандларида кўрсатилган ишларни амалга оширади ва шу асосда хулоса тайёрлайди:</p> <p>1. Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини бериш ёки уни рад этиш.</p> <p>2. Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг рўйхатга олиш бўйича синов ишларини ўтказиш.</p> <p>3. Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни синаш натижалари бўйича хулоса бериш.</p>	<p>Ҳужжатлар қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз иш кунидан ошмаган муддатда</p> <p>Синовлар дастурига мувофиқ муддатларда</p>
4 босқич	Ваколатли орган	Аризачига рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини беради (юборади) ёки рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси берилишини рад этиш тўғрисида аризачини ёзма шаклда хабардор қилади.	Тегишли қарор қабул қилингандан кейин бир иш кунидан кечиктирмай

166-модда

— 110 —

11 (771)-сон

Маҳаллий ва импорт қилинадиган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА



**Ўзбекистон Республикаси**  
**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги**

**ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ БОШ БОШҚАРМАСИ**

**РЎЙХАТГА ОЛИШ ГУВОҲНОМАСИ**  
**№ 000-000**

Ушбу гувоҳнома \_\_\_\_\_ га шу ҳақда  
(тадбиркорлик субъекти номи)

берилдики, маҳаллий ва импорт қилинадиган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ:

\_\_\_\_\_  
(ветеринария дори воситаси ёки озуқабоп қўшимчанинг номи)

\_\_\_\_\_  
(ишлаб чиқарувчининг номи)

шаклида \_\_\_\_\_  
мақсадида қўллаш учун \_\_\_\_\_.

**№ ВП-0000-00 рақами билан реестрга киритилди.**

**20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да 5 йил муддатга.**

Ушбу гувоҳнома мазкур ветеринария дори воситалари ёки озуқабоп қўшимчаларни сотиб олиш учун мажбурият, шунингдек сифат сертификати ҳисобланмайди.

\_\_\_\_\_  
(ДВББ бошлиғининг Ф.И.О., имзоси ва муҳри)

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

11 (771)-сон

— 111 —

166-модда

Маҳаллий ва импорт қилинадиган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
З-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги  
хузуридаги Давлат ветеринария бош  
бошқармаси бошлиғига

---

### Ариза

Ўзбекистон Республикасида ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказишингизни сўрайман:

---

1. Аризачи \_\_\_\_\_  
(юридик (жисмоний) шахс)

2. Аризачининг манзили, тел., факси ва б. қ. \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

3. Аризачининг вакили \_\_\_\_\_  
(юридик (жисмоний) шахснинг манзили, телефони, факси)

4. Дори воситаси/озуқабоп қўшимча тўғрисида маълумотлар:

4.1. Умумий қабул қилинган номи

4.2. Савдодаги номи \_\_\_\_\_

4.3. Таркиби \_\_\_\_\_

4.4. Дори шакли \_\_\_\_\_

4.5. Қўлланиши \_\_\_\_\_

4.6. Патент (муаллифлик гувоҳномаси) мавжудлиги, унинг тартиб рақами

---

4.7. Тайёрловчи \_\_\_\_\_  
(юридик (жисмоний) шахс, манзили, телефони, факси)

4.8. Ишлаб чиқарувчи \_\_\_\_\_  
(юридик (жисмоний) шахс, манзили, телефони, факси)

Аризачи ветеринария дори воситаси ёки озуқабоп қўшимчани экспертиза қилиш ва рўйхатга олиш, зарур ҳолларда синов ишлари ҳақини тўлаш кафолатини беради.

---

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Зарур ҳужжатлар тўплами ва синаш учун намуналар илова қилинади.

Ариза берилди: 20 \_\_\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

Аризачининг имзоси \_\_\_\_\_

(фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими)

Мухр  
(мавжуд бўлганда)

Маҳаллий ва импорт қилинадиган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

**Маҳаллий ва импорт қилинадиган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш учун талаб этиладиган ҳужжатлар РЎЙХАТИ**

1. Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчалар таркибига кирувчи компонентларнинг номи ва миқдори кўрсатилган рўйхат.
2. Маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳужжатларининг тасдиқланган нусхалари ёки лойиҳалари (TSh, Ts, DSt, KSt, TSt, ГОСТ).
3. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ишончли вакили учун ветеринария дори воситалари ва озуқа қўшимчаларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳужжатларининг тасдиқланган нусхалари (ТУ, ГОСТ, ОСТ, СТО).
4. Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг сифат кўрсаткичларини техник талаблар асосида назорат қилиш усуллари, тегишли халқаро ёки давлат фармакопея мақолалари матнлари.
5. Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни қўллаш бўйича йўриқномалар (қўлланмалар) ёки уларнинг лойиҳалари.
6. Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг сифат ёки мувофиқлик сертификати.
7. Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг ишлаб чиқарилиши бўйича маълумотлар (тайёрлаш бўйича технологик йўриқнома ёки регламент, блок-схемалар).
8. Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг таъсир

қилиш самарадорлиги, зарарсизлиги ва сифат барқарорлиги бўйича маълумотлар.

9. Ветеринария биологик препаратларининг самарадорлиги, иммуногенлиги, зарарсизлиги, вирулентлиги ва уларни тайёрлашда ишлатиладиган микроорганизмлар штамлари (вируслар, бактериялар, замбуруғлар ва бошқалар) бўйича асословчи маълумотлар.

10. Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳужжатларида кўрсатилган синаш учун етарли ҳажмдаги намуналари ҳамда уларнинг фаол таъсир этувчи моддалари (субстанциялар), тест-тизимлар, диагностик тўпламлар;

11. Импорт қилинадиган ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 15 мартдаги 139-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги  
товарларни экспорт, импорт қилишга ҳамда ва Ўзбекистон  
Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга рухсатнома  
бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Ветеринария тўғрисида» ва «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда барча турдаги транспортда — автомобиль, темир йўл, сув ва ҳаво транспортида ташиладиган, давлат ветеринария хизмати назоратидаги (кейинги ўринларда назоратдаги товарлар деб аталади) товарларни экспорт, импорт қилишга ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит бўйича ўтказишга, шунингдек жисмоний шахсларнинг қўл ва багаж юқларига ёки почта жўнатмаларига рухсатнома бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом мазкур Низомга 1-иловада\* келтирилган давлат ветеринария хизмати назоратидаги товарларни экспорт, импорт қилиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит бўйича ташишга рухсатнома беришга нисбатан қўлланилади.

3. Давлат ветеринария хизмати назоратидаги товарларни экспорт, импорт қилиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилинишига рухсатнома бериш, шунингдек ветеринария сертификатлари (гувоҳно-

---

\* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

малари)ни расмийлаштириш ушбу Низомнинг 2, 2а, 2б, 2в, 2г-иловаларига мувофиқ схемага биноан амалга оширилади.

4. Назоратдаги товарларни эпизоотик жихатдан мақбул бўлган бошқа давлатлардан экспорт, импорт қилишга ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига риоя этилган ҳолда йўл қўйилади.

5. Назоратдаги товарларни экспорт, импорт ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори ёки унинг ўринбосари томонидан электрон ҳужжатлар шаклида, аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжат ва маълумотларнинг таҳлил қилинишини таъминловчи автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда берилади.

Назоратдаги товарларни экспорт, импорт ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга рухсатнома қоғоз форматда ҳам берилиши мумкин.

6. Назоратдаги товарларни экспорт, импорт ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга рухсатнома календарь йил учун берилади.

7. Назоратдаги товарлар Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасида жойлашган чегара ветеринария назорати пунктлари (участкалари) орқали ўтказилади.

8. Назоратдаги товарларни импорт қилишдан олдин юридик ва жисмоний шахслар экспорт ва транзит қилувчи мамлакатлардаги эпизоотик вазият тўғрисида давлат ветеринария хизматидан бепул ахборот олиш ҳуқуқига эга.

9. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ветеринария қоидалари ва нормалари** — ветеринария соҳасидаги талабларни белгиловчи, давлат органлари ва бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахслар риоя этиши шарт бўлган ҳужжатлар;

**ветеринария гувоҳномаси** — Ўзбекистон Республикаси давлат ветеринария хизмати ташкилотлари томонидан барча турдаги назоратдаги товарларга бериладиган белгиланган намунадаги ҳужжат бўлиб, у ушбу товарлар ҳайвонларнинг ўта хавфли ва карантин касалликлари бўйича соғлом худудданлигини, ҳайвонотга мансуб хом ашё ва маҳсулотлар эса, бундан ташқари белгиланган тартибда ветеринария-санитария экспертизасидан ўтганлигини ҳамда ветеринария-санитария талабларига мувофиқлигини тасдиқлайдиган ҳужжат;

**ветеринария сертификати** — назоратдаги товарларни ишлаб чиқарган мамлакатнинг давлат ветеринария врачлари томонидан белгиланган намунада бериладиган халқаро ҳужжат бўлиб, у назоратдаги товарларнинг ветеринария-санитария жихатидан хавфсизлигини ҳамда импорт қилувчи давлатнинг ветеринария талабларига мувофиқ давлатнинг ҳайвонлар юқумли касалликлари бўйича соғломлигини тасдиқлайди (кафолатлайди).

**ветеринария, ветеринария-санитария талаблари** — давлат ҳудудини четдан ҳайвонларнинг юқумли касалликлари қўзғатувчиларининг кириб келишидан ҳамда ветеринария-санитария жихатдан хавфли саналган назоратдаги товарларнинг келтирилишидан ҳимоялашга қаратилган, барча юри-

дик ва жисмоний шахслар учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбурий ҳисобланган, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси томонидан импорт қилинувчи назоратдаги товарларга нисбатан қўйиладиган талаблар;

**ҳайвон** — барча сут эмизувчилар, сув ҳайвонлари ёки паррандалар, шунингдек асаларилар;

**импорт қилувчи давлат** — охири манзил белгиланган давлат;

**чегара ветеринария назорати пункти (ЧВНП)** — назоратдаги товарларни халқаро, давлатлараро, зарурият туғилганда эса — мамлакат ичида барча транспорт турларида ташилиши юзасидан чегара ветеринария назоратини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидаги давлат ветеринария назорати органи;

**транзит мамлакати** — назоратдаги товарларни импорт қилувчи давлатга етказишда ҳудуди орқали ўтиладиган ёки ЧВНП доирасида вақтинчалик тўхтаб ўтиладиган мамлакат;

**экспорт қилувчи мамлакат** — назоратдаги товарларни бошқа мамлакатга жўнатувчи мамлакат.

## 2-боб. Рухсат этувчи талаблар ва шартлар

10. Назоратдаги товарларни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда уларнинг экспорт-импорти билан шуғулланувчи барча юридик ва жисмоний шахслар, идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, улар Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария хизмати назоратида бўладилар.

11. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали олиб ўтилаётган назоратдаги товарлар давлат ветеринария назоратидан ўтказилиши шарт.

12. Бошқа давлатлар ҳудудида ҳайвонларнинг ўта хавfli юқумли касалликлари, ҳайвонларнинг келиб чиқиш сабаблари номаълум бўлган ялпи касалликлари ва ҳайвонларнинг илгари қайд этилмаган юқумли касалликлари пайдо бўлган тақдирда назоратдаги товарларни олиб ўтишга тақиқ, чеклов жорий этиш ҳамда уларни олиб ўтишни тиклаш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори томонидан қабул қилинади.

13. Ўзбекистон Республикасига кирувчи ёки ундан чиқиб кетувчи шахсларга қарашли ит, мушук ва бошқа номахсулдор ҳайвонлар (2 та бошдан кўп бўлмаган) ва паррандалар (10 та бошдан кўп бўлмаган) учун ветеринария гувоҳномаси ёки ветеринария сертификати Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори ёки унинг ўринбосарлари рухсатсиз расмийлаштирилади.

14. Йўқолиб кетиш хавfli остида бўлган ҳайвонлар, шунингдек уларнинг аъзолари ёки ҳосилалари, шу жумладан ов ўлжаларини импорт қилиш экспортчи давлатнинг ваколатли органи томонидан йўқолиб кетиш хавfli остидаги барча турдаги ёввойи фауна ва флорани халқаро савдо-сотиқ Кон-

венциясига (СИТЕС) мувофиқ берилган рухсатномаси (ҳимоя маркаси) мавжуд бўлганда амалга оширилади.

15. Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ҳайвонлар, шунингдек уларнинг аъзолари ёки ҳосилалари, шу жумладан ов ўлжаларини Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилиш фақат Ўзбекистон Республикаси СИТЕС ваколатли органининг рухсатномаси мавжуд бўлганда амалга оширилади.

16. Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни Ўзбекистон Республикаси худудига импорт қилиш ва ташиш Давлат ветеринария бош бошқармаси томонидан бериладиган тегишли лицензия мавжуд бўлганда ва улар рўйхатга олинган тақдирда амалга оширилади.

17. Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни импорт қилиш ва ташиш, уларнинг ишлаб чиқарувчи ташкилот томонидан бериладиган сифати ва зарарсизлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлган тақдирда ветеринария сертификатисиз амалга оширилади.

18. Назоратдаги товарларни экспорт, импорт ва транзит қилишда назоратнинг қуйидаги турлари қўлланилади: ҳужжатли, жисмоний ва лаборатория.

19. Ҳужжатли назоратда қуйидагилар текширилади:

назоратдаги товарларнинг ветеринария жиҳатидан хавфсизлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

назоратдаги товарларни импорт, экспорт қилишга ёки транзитига рухсатноманинг мавжудлиги;

берилган ҳужжатлар мазмунининг ветеринария талабларига мувофиқлиги.

20. Жисмоний назорат қуйидагиларни ўз ичига олади:

назоратдаги товарларни ёки ҳайвонларни кўздан кечириш;

кузатув ҳужжатларида кўрсатилмаган назоратдаги товарлар мавжудлигини ҳамда ўзаро мос келмайдиган товарларнинг биргаликда ташилишини истисно қилиш мақсадида назоратдаги товарларнинг тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш;

транспорт воситасининг назоратдаги товарларни ташишдаги белгиланган ветеринария-санитария талабларига мувофиқлигини назорат қилиш;

кўчириб ўтказиш (ташиш) шартлари ва режимини назорат қилиш;

кадоқлаш ва ёрлиқларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини назорат қилиш;

ҳайвонларни импорт, экспорт, транзит қилишда ва Ўзбекистон Республикаси худуди доирасида ўтказиш (ташиш)да, суғориш ва озиқлантириш пунктларида уларнинг ҳар бир партияси текширилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси орқали ўтиш пунктида ўтказилаётган назоратдаги товарларнинг очиқ қисмини текширишга йўл қўйилади.

21. Лаборатория назорати ташилаётган назоратдаги товарлардаги ўзгаришлар аниқланган ҳолатларда ҳамда ҳайвонларнинг юқумли касалликларини истисно этиш мақсадида тегишли лабораторияларда текширувлар ўтказиш йўли билан амалга оширилади.



22. Юқорида кўрсатилган назорат турларининг натижаларига кўра ЧВНП мансабдор шахси томонидан назоратдаги товарларга нисбатан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади: ўтказиш; ўтказишни тўхтатиб туриш; импортни тақиқлаш; қайтариш.

23. Назоратдаги товарларга нисбатан қабул қилинган қарор ЧВНП мансабдор шахси томонидан ветеринария ҳужжатларига ва товарга илова қилинадиган ҳужжатларга 3-иловага\* мувофиқ шаклдаги тегишли штамплар қўйиш орқали расмийлаштирилади.

24. Назоратдаги товар турлари ва ҳудуднинг эпизоотик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситаси (темир йўл вағони, рефрижератор секцияси, контейнер ва х. к.) юкларни ортиш ва туширишдан олдин ушбу Низомнинг 4-иловасига\* мувофиқ шаклдаги ҳужжат берилган ҳолда ветеринария-санитария ишловига юборилади.

25. ЧВНП мансабдор шахслари ўз ваколатларини амалга оширишда, ўтиш пунктларида назорат ўтказиш ваколати берилган бошқа ваколатли органларнинг мансабдор шахслари, шунингдек чегарадош давлатларнинг ўтиш пунктларидаги ветеринария мутахассислари билан ҳамкорликда иш олиб борадилар.

26. ЧВНП мансабдор шахслари ўз хизмат вазифаларини ўташ вақтида ўзлари билан хизмат гувоҳномаларини олиб юришлари ҳамда белгиланган намунадаги махсус кийимда бўлишлари керак.

27. Назоратдаги товарларнинг импорт, экспорт ва транзитида, шунингдек мамлакат доирасида ташиш экспортчи давлатнинг ваколатли органлари ва давлат ветеринария хизматининг ваколатли шахслари томонидан берилган ветеринария сертификатлари илова қилинган ҳолда амалга оширилади.

28. Назоратдаги товарларни халқаро ташиш фаолияти доирасида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташишда ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар. Аниқланган бузилишлар тўғрисида ушбу Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда далолатнома тузилади.

29. Давлат чегарасида давлат ветеринария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахснинг ҳаракати (ёки ҳаракатсизлиги) юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

30. Барча турдаги ветеринария ҳужжатларини расмийлаштириш, ветеринария талабларини бажариш, шу жумладан ветеринария ишлови бериш ва текширишлар ўтказилиши ҳамда халқаро, давлатлараро ва мамлакат ичида ветеринария кузатуви ўтказиш билан боғлиқ бошқа турдаги иш ва хизматлар бўйича харажатлар назоратдаги товарларнинг эгаси томонидан қопланади.

### **3-боб. Назоратдаги товарларни экспорт қилишда ветеринария ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби**

31. Назоратдаги товарларни Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилиш-

---

\* 3-4-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

га рухсатномани расмийлаштириш учун товар эгаси тегишли шартнома тайёрлашда, автоматлаштирилган ахборот тизими ёки қоғоз форматдаги ариза билан товарнинг жойлашиш (расмийлаштириш) манзили бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бош давлат ветеринария инспекторига камида 30 кун олдин мурожаат қилади.

Аризада қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

товар эгасининг номи (жисмоний шахслар учун — Ф.И.О.), жойлашган жойи (почта манзили), телефон ва факс рақами, электрон манзили, СТИР; назоратдаги товарларнинг келиб чиқиш жойи (туман, шаҳар, хўжалик ва бошқ.)

юбориладиган давлат;

назоратдаги товарнинг номи ва ТИФ ТН бўйича коди;

назоратдаги товарнинг миқдори, шунингдек унинг ўлчов бирлиги;

товарнинг ишлатилиш мақсади;

ишлаб чиқарувчининг номи;

транспорт тури;

маршрут йўналиши (МДХ давлатлари орқали ўтиш чегаралари номлари кўрсатилади);

давлат чегарасидан ўтиш пунктлари;

назоратдаги товарни чиқаришнинг тахминий муддати;

транзит давлатининг номи;

импорт қилувчи томонидан тақдим этиладиган ва тасдиқланган импорт қилувчи давлатнинг давлат ветеринария хизмати ветеринария талаблари нусхаси (зарурият бўлганда);

ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни экспорт қилишда ветеринария дори воситасининг савдодаги номи (савдо маркаси), препарат шакли, қадоғи, ҳар бир чиқарилаётган ветеринария дори воситаси ва озуқабоп қўшимчанинг Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси томонидан рўйхатга олиниши тўғрисидаги маълумотлар (рақами ва санаси).

32. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат ветеринария хизматлари импорт қилувчи давлатнинг ветеринария талабларига асосан экспорт қилинаётган назоратдаги товар ҳолатини ҳамда тегишли ҳудуддаги эпизоотик ҳолатни етти календарь кун мобайнида ўрганиб чиқади.

Ўта хавfli касалликларни аниқлаш мақсадида карантин ёки қўшимча лаборатория текширувлари ўтказиш зарур бўлганда белгиланган муддат уч ҳафтагача узайтирилиши мумкин.

33. Зарур ҳолатларда тегишли ветеринария лабораторияларида лаборатория текширувлари ўтказилади, ўта мураккаб текширишлар эса илмий-тадқиқот институтларида ўтказилиши мумкин.

34. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Бош давлат ветеринария инспектори тақдим этилган назоратдаги товарларни экспорт қилиш имкониятини, импорт қилувчи давлатнинг давлат ветеринария

хизмати талабларини бажариш имкониятини, товар тавсифларини ва маъмурий ҳудуддаги эпизоотик вазиятни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқади.

35. Ушбу Низомнинг 34-бандидаги масала ижобий ҳал этилган тақдирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат ветеринария инспекторлари ёки уларнинг ўринбосарлари автоматлаштирилган ахборот тизими ёки қоғоз формати воситасида Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори ёки унинг ўринбосарига назоратдаги товарлар экспортига рухсатнома беришни сўраб мурожаат қилади.

Мурожаатда ушбу Низомнинг 31-бандидаги маълумотлар кўрсатилади.

36. Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори ёки унинг ўринбосари уч иш куни мобайнида мурожаатни кўриб чиқади, Ўзбекистон Республикасидан муайян турдаги назоратдаги товарнинг олиб чиқишига рухсатнома бериш ёки асосли сабабларни кўрсатган ҳолда уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

37. Берилган рухсатнома бир иш куни мобайнида автоматлаштирилган ахборот тизими ёки қоғоз формати воситасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат ветеринария бошқармалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармасига юборилади.

Рухсатнома бериш рад этилган тақдирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат ветеринария бошқармалари бир иш куни мобайнида бу ҳақда назоратдаги товар эгаларини, автоматлаштирилган ахборот тизими ёки қоғоз формати орқали рад этиш хатининг нусхаси илова қилинган ҳолда огоҳлантиради.

Рухсатнома бериш ёки уни рад этиш, шунингдек Давлат ветеринария бош бошқармаси томонидан товар эгасига бевосита автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ёки қоғоз форматда берилиши мумкин.

38. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат ветеринария инспекторлари Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори ёки унинг ўринбосари томонидан рухсатнома олингандан сўнг бир иш куни мобайнида туман (шаҳар) давлат ветеринария хизматига тегишли ветеринария ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича топшириқ беради.

Туман (шаҳар) давлат ветеринария инспектори бир иш куни мобайнида импорт қилувчи давлатнинг ветеринария талабларига мувофиқ белгиланган шаклдаги ветеринария гувоҳномасини расмийлаштиради. Ветеринария гувоҳномаси импорт қилувчи давлатнинг ветеринария талаблари бажарилиши тўғрисидаги тўлиқ ахборотларни ўз ичига олиши, туман (шаҳар) давлат ветеринария инспектори томонидан имзоланиши ва муҳр билан тасдиқланиши керак.

39. Ўтказиш пунктида назоратдаги товарларни ветеринария назорати импорт қилувчи давлатнинг ветеринария талабларига мувофиқ, белгиланган шаклдаги ветеринария гувоҳномаси (сертификати) тақдим этилгандан кейин

амалга оширилади. Ветеринария сертификатига Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори ёки унинг ўринбосари томонидан берилган рухсатноманинг номери ва санаси кўрсатилиши шарт.

ЧВНП мансабдор шахси ҳужжатли назорат таҳлили натижасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқишда импорт қилувчи давлатга тегишли товарнинг кузатув ҳужжати ва ветеринария сертификатига 3-иловага мувофиқ шакл бўйича «Чиқишга рухсат» ёки «Чиқиш тақиқланади» штампини қўяди ҳамда исми ва фамилиясини қайд этади.

40. Назоратдаги товарлар чегарага келтирилганда давлат чегарасидаги ветеринария назорат пункти ходими ветеринария гувоҳномаси асосида 4 соат мобайнида белгиланган шаклдаги ветеринария сертификатини расмийлаштиради. Ветеринария сертификатига Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори ёки унинг ўринбосари томонидан берилган экспорт учун рухсатнома рақами ва берилган санаси кўрсатилади.

41. Назоратдаги товарлар МДХ давлатларига экспорт қилинганда 1, 2, 3-шакллар бўйича ветеринария гувоҳномалари (6, 7, 8-иловалар\*) ҳамда МДХ давлатларидан ташқарига чиқаришда импорт қилувчи давлатнинг ветеринария талаблари инobatга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича расмийлаштирилади.

Назоратдаги товарлар эгасининг аризасига кўра товарни ўтказиш йўналишидаги чегара ветеринария пунктлари сонига мувофиқ равишдаги дубликатлар расмийлаштирилади. Импорт қилувчи давлат талабларига асосан ветеринария сертификатлари ёки гувоҳномалари шакли ва/ёки тури Бутунжаҳон Ҳайвонлар соғлиғини сақлаш ташкилотининг Ер усти ҳайвонлари соғлиғини ҳимоя қилиш Халқаро Кодекси (ОIE/ХЭБ) меъёрларига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин.

42. Импорт қилувчи давлат талабларига асосан назоратдаги товарлар рўйхатида кўзда тутилмаган ветеринария сертификатлари (гувоҳномалари)ни расмийлаштириш зарур бўлганда, ветеринария гувоҳномалари ёки ветеринария сертификатлари импорт қилувчи давлатнинг ветеринария қоидалари ва нормалари бажарилган ҳолда Давлат чегараси ва транспортидаги давлат ветеринария назорати бошқармаси, туман ветеринария бўлимлари томонидан, Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори ёки унинг ўринбосарларининг рухсатсиз расмийлаштирилади.

43. Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилинувчи назоратдаги товарларнинг хорижий давлатлар ҳудудидан транзит бўйича ўтиши учун назоратдаги товарнинг эгаси Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспекторига бевосита мурожаат этишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори тегишли давлатнинг марказий ветеринария органига транзит учун рухсатнома берилишини сўраб мурожаат қилади.

Транзит бўйича аризаларни кўриб чиқиш, транзит давлатларнинг мил-

---

\* 6 — 8-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

лий қонунчилиги талабларига, шунингдек халқаро келишув ва қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Олинган рухсатнома назоратдаги товар эгасига тақдим этилади.

Транзит бўйича аризаларни кўриб чиқиш учун йиғим ундирилмайди.

#### **4-боб. Назоратдаги товарларни импорт қилишда ветеринария ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби**

44. Назоратдаги товарларни Ўзбекистон Республикасига импорт қилишга рухсатномани расмийлаштириш учун импорт қилувчи (товар эгаси) 30 кундан кам бўлмаган муддатда автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ёки қоғоз форматада назоратдаги товарнинг импорт қилиниш манзили бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бош давлат ветеринария инспекторига мурожаат қилади.

Аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

товар эгасининг номи (жисмоний шахслар учун — паспортининг маълумотлари ва СТИР), жойлашган жойи (почта манзили), телефон ва факс рақами, электрон манзили ва олувчининг СТИРи;

экспорт қилувчи давлат;

назоратдаги товарларнинг келиб чиқиш жойи (штат, провинция, хўжалик ва бошқалар);

ишлаб чиқарувчининг номи, ишлаб чиқарувчилар реестридаги рўйхатга олиш рақами;

назоратдаги товарнинг номи ва ТИФ ТН бўйича коди;

назоратдаги товарнинг миқдори, шунингдек унинг ўлчов бирлиги;

импорт қилиш мақсадлари (қайта ишlamасдан сотиш, қайта ишлаш, қайта ишлашдан олинадиган махсулот кўрсатилган ҳолда ва ҳ.к.);

транспорт турлари;

маршрут йўналиши (МДХ давлатлари орқали ўтиладиган чегара номлари кўрсатилади);

давлат чегарасидан ўтиш пунктлари;

назоратдаги товарни импорт қилишнинг тахминий муддати;

транзит бўйича ўтиладиган давлат номи;

сақлаш ва карантин қилиш жойлари;

назоратдаги товарни қайта ишловчи корхонанинг номи (мавжуд бўлганда);

тирик ҳайвонларни импорт қилишда — чорвачилик фермалари, бошқа карантин ўтказилиш жойларининг текшириш далолатномалари ва ветеринария-санитария хулосаси.

45. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат ветеринария бошқармалари назоратдаги товар эгасининг мурожаатига асосан импорт қилинувчи товарларни сақлаш шартлари, фойдаланилиши (эркин сотувга қўйиш, лабораторияда ва бошқа текширишлар, қайта ишлаш ва бошқалар) ҳамда тегишли ҳудуднинг эпизоотик ҳолатини бир ҳафта муддатда ўрганиб чиқади. Ўта хавфли касалликларни аниқлаш мақсадида ка-

рантин қилиш зарур бўлганда белгиланган муддат уч ҳафтагача узайтирилиши мумкин.

46. Зарур тадбирлар бажарилгандан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат ветеринария бошқармалари Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспекторига автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ёки қоғоз форматада, кўрсатилган назоратдаги товарни республика ҳудудига импорт қилишга рухсат сўраб мурожаат этади ҳамда назоратдаги товар эгасига товарнинг муайян турини импорт қилишга нисбатан ветеринария талабларини, шунингдек экспорт қилувчи давлатнинг марказий ветеринария органи билан келишилган шаклдаги ветеринария сертификати намунасини (мавжуд бўлганда) тақдим этади.

47. Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори ёки унинг ўринбосарлари бир ой муддатда мурожаатни кўриб чиқиб, электрон ёки ёзма шаклда Ўзбекистон Республикасига муайян турдаги назоратдаги товарнинг олиб кирилиши учун рухсатнома беради ёки асосли сабабларни кўрсатган ҳолда уни рад этади.

48. Ўзбекистон Республикасига назоратдаги товарларни импорт қилиш учун рухсатнома бериш қўйидаги ҳолатларда рад этилиши мумкин:

экспорт қилувчи давлатда ҳайвонларнинг ўта хавфли касалликлари бўйича эпизоотик ҳолат ўзгарганда;

экспорт қилувчи давлатнинг назоратдаги товарларида белгиланган тартибда тақиқланган кимёвий ёки биологик моддалар мавжудлиги аниқланганда;

импорт қилувчи томонидан ишончсиз маълумотлар тақдим этилганда;

импорт қилувчи томонидан тақдим этилаётган назоратдаги товарнинг сақланиши, ишлаб чиқарилиши (қайта ишлаш) бўйича ташкилотларнинг ветеринария-санитария ҳолати белгиланган ветеринария қоидалари ва нормаларига мувофиқ бўлмаганда;

импорт қилувчи аризасида зарур маълумотларнинг йўқлиги ёхуд импорт қилувчи аризасига зарур иловаларнинг мавжуд эмаслиги;

импорт қилинадиган назоратдаги товарлар ҳажмининг қайд этилган корхоналар ишлаб чиқариш қувватига номувофиқлиги.

49. Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори ёки унинг ўринбосари томонидан назоратдаги товарларни импорт қилишга рухсатномаси ёки уни рад этиши электрон шаклда ёки қоғоз форматада расмийлаштирилади.

50. Ўзбекистон Республикасига импорт қилиш учун рухсат олган назоратдаги товарлар эгаси зиммасига қўйидаги мажбуриятлар юкланади:

назоратдаги товарларни Ўзбекистон Республикасига импорт қилишда ветеринария қонунчилиги талабларига риоя этиш;

назоратдаги товарларни экспорт қилувчига Ўзбекистон Республикасига муайян турдаги назоратдаги товарларнинг импорт қилинишига қўйилган ветеринария-санитария талаблари ва ветеринария сертификати намунасини (мавжуд бўлганда) етказиш;

Ўзбекистон Республикаси давлат ветеринария хизмати мансабдор шахс-

ларининг назоратдаги товарлар импортига нисбатан кўрсатмаларини бажариш;

назоратдаги товарлар импорт қилиниши режалаштирилаётган ҳудуднинг давлат ветеринария хизмати бошқармасининг тегишли органларини, назоратдаги товарларнинг Ўзбекистон Республикасига импорт қилиниши рухсатномасида кўрсатилмаган корхоналарда сақланиши (қайта ишланиши) тўғрисида хабардор қилиш;

келтирилган назоратдаги товарларни фақат тегишли ветеринария-санитария хулосасига эга бўлган корхоналарда сақлаш (қайта ишлаш);

келтирилган назоратдаги товарлардан фақат импорт учун рухсатномада кўрсатилган шартларга мувофиқ фойдаланиш.

51. Ўзбекистон Республикасига тирик ҳайвонлар импорт қилинганда камида 2 ой олдин расмий сўров жўнатилади (ҳайвонларни импорт қилувчи хўжаликни ўрганиш, келтирилаётган ҳайвонлар карантинини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси давлат ветеринария врачининг экспорт қилувчи давлатга хизмат сафарини расмийлаштириш учун зарур вақтни ҳисобга олган ҳолда).

52. Гўшт ва гўшт маҳсулотларини муайян давлатдан импорт қилиш режалаштирилаётганда маҳсулотни жойида текшириш шарт бўлганда, Ўзбекистон Республикаси давлат ветеринария инспекторининг хизмат сафари масаласини ҳал этиш бўйича сўров Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармасига камида 30 кун олдин юборилади.

53. Берилган рухсатнома уч иш куни мобайнида автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ёки қоғоз форматида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри тегишли давлат ветеринария бошқармаларига, Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси ва транспортида давлат ветеринария назорати бошқармасига, назоратдаги товарнинг эгасига юборилади.

Импорт қилиш тўғрисида рухсатнома бериш рад этилган тақдирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат ветеринария бошқармалари бир иш куни мобайнида бу ҳақда назоратдаги товар эгаларини, автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ёки қоғоз форматида хабардор қилади.

Рухсатнома бериш ёки уни рад этиш, шунингдек Давлат ветеринария бош бошқармаси томонидан назоратдаги товар эгасига бевосита автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ёки қоғоз форматида берилиши мумкин.

54. Экспорт қилувчи давлатда ҳайвонлар орасида хавfli юқумли касалликлар пайдо бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори ёки унинг ўринбосари, аввал берилган назоратдаги товарларни олиб кириш рухсатномасига қарамасдан, рухсатнома амал қилишини тўхтатиб туриш ҳамда ушбу товарни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига зарур текширув ишлари ўтказилгунга қадар, лекин 30 кундан кўп бўлмаган муддатда киритмаслик ҳуқуқига эгадир. Зарур текширувларнинг

натижаларига асосан тегишли назоратдаги товарнинг киритилишига рухсат бериш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Назоратдаги товарларни Ўзбекистон Республикасига импорт қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори ёки унинг ўринбосари томонидан берилган импорт рухсатномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасининг чегара-текширув пунктлари орқали амалга оширилади.

Чегара-текширув пунктларида назоратдаги товарларни ветеринария назоратидан ўтказиш жўнатувчи давлатнинг ветеринария сертификати ва бошқа кузатув ҳужжатлари тақдим этилгандан кейин амалга оширилади.

ЧВНП мансабдор шахси ҳужжатли назорат таҳлили натижасига мувофиқ қарор қабул қилади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда товарни жўнатувчи давлат томонидан берилган кузатув ҳужжати ва ветеринария сертификатиغا 3-иловага мувофиқ «Киришга рухсат» ёки «Кириш тақиқланади» штампини қўяди ва унда фамилияси, исми ва отасининг исмини кўрсатади.

55. Назоратдаги товарлар чегарага келтирилганда давлат чегарасидаги ветеринария назорат пункти ходими рухсатнома ёки унинг нусхаси асосида автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ёки қоғоз формати воситасида ветеринария сертификати ўрнига тегишли ветеринария гувоҳномасини расмийлаштиради.

Ветеринария гувоҳномасида Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори томонидан берилган рухсатноманинг рақами ва берилган санаси кўрсатилади.

Назоратдаги товар қайтарилган тақдирда давлат чегарасидаги ветеринария назорат пункти ходими ушбу Низомнинг 10\* ва 11-иловаларига мувофиқ назоратдаги товарни қайтариш тўғрисидаги далолатнома ва декларацияни расмийлаштиради.

56. Ўзбекистон Республикасига импорт қилинаётган товарларнинг хорижий давлатлар ҳудуди бўйича транзитини расмийлаштириш учун назоратдаги товар эгаси Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспекторига тўғридан-тўғри мурожаат этишга ҳақли. Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори уч кун муддатда тегишли давлатнинг марказий ветеринария органига транзит учун рухсатнома берилишини сўраб мурожаат қилади. Рухсатнома олинган кундан бошлаб икки кун муддатда манфаатдор шахсларга берилади.

Аризаларни кўриб чиқиш учун йиғим ундирилмайди.

### **5-боб. Назоратдаги товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзитига ветеринария ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби**

57. Халқаро ташиш билан шуғулланувчи шахслар томонидан Ўзбекис-

---

\* 10-илова рус тилидаги матнда берилган.



тон Республикаси ҳудудида назоратдаги товарларни транзит қилиш учун импорт ёки экспорт қилувчи давлатнинг марказий ветеринария органлари автоматлаштирилган ахборот тизими ёки қоғоз формати воситасида Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария бош бошқармасига транзит учун рухсатнома бериш бўйича мурожаат қилади.

Манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар (МДХ давлатлари вакилларидан ташқари) бевосита Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария бош бошқармасига транзит учун рухсатнома бериш бўйича мурожаат қилишга ҳақли.

Мурожаатномада жўнатувчи ва олувчининг номи, маршрут йўналиши, транспорт тури, назоратдаги товар номи, товарнинг келиб чиқиши ва миқдори кўрсатилади. Ушбу мурожаат асосида Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори ёки унинг ўринбосари ўттиз кун муддатда транзит рухсатномасини расмийлаштиради ва уни автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ёки қоғоз форматда назоратдаги товар эгасига беради.

58. Назоратдаги товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари орқали транзит қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори ёки унинг ўринбосари томонидан берилган транзит рухсатномасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасини кесиб ўтиш жойидаги ўтказиш пункти орқали амалга оширилади.

Назоратдаги товарларнинг транзити ҳамда унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилиши учун рухсатнома олиш назоратдаги товарлар эгаси зиммасига юкланади.

59. Ўтказиш пунктларида назоратдаги товарларни ветеринария назоратидан ўтказиш ветеринария сертификати ва бошқа кузатув ҳужжатлари тақдим этилгандан кейин амалга оширилади.

60. Ҳужжатли назорат ишлари якунига етгач, юқумли касалликлар мавжудлигига шубҳа пайдо бўлганда, ҳайвонлар ветеринария текширувидан ўтказилади, бунда ҳайвонларнинг идентификация рақамлари (татуировка, чиплар, белги, тамға ва бошқалар) ветеринария сертификатларида кўрсатилган рақамлар билан солиштирилади, ташиш шартлари, ҳайвонларнинг ҳолати ва уларни кейинчалик ўтказиш имкониятлари текширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали бошқа назоратдаги товарлар транзитида текширишлар ўтказилмайди.

Назоратдаги товарларни транзит вақтида текшириш (ҳайвонлар бундан мустасно) фақат давлат назорати органлари қарорига биноан ўтказиш пунктларида ёки назоратдаги товарнинг аризадагига мувофиқ эмаслиги тўғрисида ахборот мавжуд бўлганда амалга оширилади.

61. Ўтказилган назорат натижаларига кўра ЧВНП мансабдор шахси қарор қабул қилади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришда ветеринария сертификати ва кузатув ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ шаклдаги «Транзитга рухсат» ёки «Транзит тақиқланади» штампларини қўяди, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқаришда эса «Транзит яқунланди» штампини қўяди ва муҳрлайди ҳамда ўзининг исми-фамилиясини кўрсатган ҳолда имзоси билан тасдиқлайди.

62. Барча зарур маълумотлар транзитни ҳисобга олиш дафтарида қайд этилади ва электрон ҳисоб тизимига киритилади (жорий этилишига кўра).

63. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига транзит қилиш учун рухсатномаси бўлган назоратдаги товарларнинг эгаси Ўзбекистон Республикаси ветеринария қонунчилиги талабларига риоя этиши шарт.

Аризани кўриб чиқиш учун йиғим ундирилмайди.

**6-боб. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига назоратдаги товарларнинг жисмоний шахсларнинг қўл ва багаж юклари, шунингдек почта жўнатмалари орқали кириб келиши ветеринария назоратини амалга ошириш тартиби**

64. Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидаги чегара назорат ветеринария пунктлари, шу жумладан халқаро почта алмашинув жойларида товарларни қўл ва багаж юки, почта жўнатмалари орқали жисмоний шахсларнинг шахсий фойдаланиши мақсадида, тегишли рухсатномасиз назоратдаги товарни жўнатувчи давлатнинг ветеринария сертификатисиз киритилишига йўл қўймаслик бўйича ишларни ташкиллаштиради, битта жисмоний шахс учун 5 килограммгача бўлган, завод ўрамларидаги, хайвонотга мансуб тайёр маҳсулот бундан мустасно.

Жўнатилган давлатга қайтариб юбориш имкони бўлмаган назоратдаги товарларни йўқотиш (зарарсизлантириш) қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

**7-боб. Рухсатнома дубликатини бериш, рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни бекор қилиш**

65. Рухсатнома йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда аризачининг аризасига асосан унинг дубликати берилади.

66. Давлат ветеринария хизмати аризачидан ариза қабул қилиб олинган кундан бошлаб уч иш кунидан кўп бўлмаган муддатда рухсатнома, ветеринария сертификати (гувоҳномаси) дубликатини, шунингдек яроқсиз ҳолга келган рухсатнома хусусиятига эга ҳужжатнинг асл нусхасини беради (юборади).

Дубликат берилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

67. Рухсатнома амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, уни бекор қилиш «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22, 23 ва 25-моддаларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда амалга оширилади.

68. Рухсатноманинг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиш учун асос бўладиган рухсат бериш талаблари ва шартларини бир маротаба кўпол равишда бузилишига назоратдаги товарларни ташиш натижасида инсон ҳамда хайвонлар соғлиғига зарар етказиш ёхуд зарар етказилишининг аниқ хавфини пайдо қилиш киради.

**8-боб. Рухсатномани қайта расмийлаштириш**

69. Аризачи-юридик шахс ўзгартирилганда, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, аризачи ёхуд унинг ҳуқуқий во-рисини қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш куни мобайнида давлат ветеринария хизматига рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ари-зани кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.

70. Ҳужжатлар аризачи томонидан давлат ветеринария хизматига бево-сита, почта алоқа воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганли-ги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақ-дим этилган ҳужжатлар тадбиркорлик субъектининг электрон рақамли им-зоси билан тасдиқланади.

71. Рухсатнома қайта расмийлаштирилганда давлат ветеринария хизма-ти берилган рухсатномалар, ветеринария сертификатлари (гувоҳномалар) реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади.

72. Рухсатномани қайта расмийлаштириш ва бериш давлат ветеринария хизмати томонидан ариза ва тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг уч иш кунидан ошмаган муддатда амалга оширилади.

73. Аризачидан ушбу бандда кўзда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишнинг талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

**9-боб. Берилган рухсатномалар реестри**

74. Берилган рухсатномалар реестрида қуйидаги маълумотлар кўрсати-лади:

а) аризачининг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР, жойлашган жойи (почта манзили);

б) рухсатнома, ветеринария сертификати (гувоҳномаси)нинг рўйхатдан ўтказиш рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати;

в) рухсатнома, ветеринария сертификати (гувоҳнома)ни қайта расмийлаш-тириш, уларнинг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва амал қилишини тиклаш, дубликатлар бериш, рухсатномаларни, ветеринария сер-тификатларини (гувоҳномаларини)ни бекор қилишнинг асослари ва санаси.

75. Рухсатнома хусусиятига эга ҳужжатларнинг реестрларидаги маълумот-лар юридик ва жисмоний шахсларнинг танишишлари учун очиқ ҳисобланади.

**10-боб. Яқунловчи қоидалар**

76. Давлат ветеринария назорати органларининг фаолиятига аралашиб, давлат ветеринария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш мақсадида уларга ҳар қандай шаклда таъсир ўтказиш тақиқланади ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

77. Ветеринария соҳасидаги даъволар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

78. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Давлат ветеринария хизмати назоратидаги товарларни экспорт, импорт қилишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

### Назоратдаги товарларни экспорт қилишда рухсатнома бериш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
I босқич	Аризачи — юридик ёки жисмоний шахс	<ol style="list-style-type: none"> <li>Ушбу Низомнинг 31-бандида кўрсатилган рўйхатга мувофиқ зарур рухсатнома олиш учун хужжатларни тайёрлайди.</li> <li>Аризаларни автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ёки қоғоз форматда тақдим этади.</li> </ol>	Аризачи хоҳишига кўра (зарур ҳолларда 30 кун олдин)
II босқич	<p>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат ветеринария бошқармалари</p> <p>↓</p> <p>Туман (шаҳар) давлат ветеринария бўлимлари</p> <p>↓</p> <p>Ваколатли лабораториялар</p>	<ol style="list-style-type: none"> <li>Рўйхатдаги хужжатларни қабул қилади, аризачига хужжат қабул қилинган сана кўрсатилган ҳолда нусхасини қайтаради (юборади).</li> <li>Аризаларни кўриб чиқади ва импорт қилувчи давлатнинг ветеринария талабларига асосан экспорт қилиниши мўлжалланган назоратдаги товарлар ва ҳудуднинг эпизоотик ҳолати ўрганилади.</li> <li>Ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликларини аниқлаш мақсадида зарур карантин ёки қўшимча лаборатория текширувлари ўтказилади.</li> <li>Ушбу Низомнинг 35-бандида кўрсатилган саволлар ижобий ҳал этилса, Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспекторига ёки унинг ўринбосарига автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ёки қоғоз форматда назоратдаги товарларнинг экспорти учун рухсатнома бериш тўғрисида ариза беради.</li> </ol>	<p>Хужжатлар қабул қилинган кунда.</p> <p>Етти календарь кун мобайнида.</p> <p>Уч ҳафта мобайнида.</p> <p>Бир иш куни мобайнида.</p>
III босқич	Давлат ветеринария бош бошқармаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>Тақдим этилган аризаларни кўриб чиқади ва автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ёки қоғоз форматда назоратдаги товарларни Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилиш учун рухсатнома беради ёки рад этишнинг асоси кўрсатилган ҳолда рухсатнома беришни рад этади.</li> <li>Транзит рухсатномасини олиш учун тегишли давлатларнинг марказий давлат ветеринария хизматига мурожаат қилади.</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>Уч иш кунда.</li> <li>Транзит давлатларининг миллий қонунчилигида белгиланган муддатларда.</li> </ol>

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
IV босқич	Давлат ветеринария бош бошқармаси	1. Давлат чегараси ва транспортдаги давлат ветеринария назорати бошқармасига, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат ветеринария бошқармаларига, шунингдек юк эгасига автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ёки қоғоз форматда берилган рухсатномаларни тақдим этади. 2. Олинган транзит рухсатномаларини тақдим этади.	Уч иш куни мобайнида.  Учинчи давлатдан транзит рухсатномаси олингандан кейин.
	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат ветеринария бошқармалари		

Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни экспорт, импорт қилишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
2а-ИЛОВА

**Назоратдаги товарларни импорт қилишда рухсатнома бериш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
I босқич	Аризачи — юридик ёки жисмоний шахс	1. Ушбу Низомнинг 44-бандида кўрсатилган рўйхатга мувофиқ зарур рухсатнома олиш учун хужжатларни тайёрлайди. 2. Аризаларни автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ёки қоғоз форматда тақдим этади.	Аризачи хоҳишига кўра (зарур ҳолларда 30 кун олдин)
II босқич	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат ветеринария бошқармалари	1. Рўйхатдаги хужжатларни қабул қилади, аризачига хужжат қабул қилинган сана кўрсатилган ҳолда нусхасини қайтаради (юборади). 2. Аризаларни кўриб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси ветеринария, ветеринария-санитария талабларига асосан импорт қилиниши мўлжалланган назоратдаги товар келтириладиган ҳудуднинг эпизоотик ҳолатини ўрганади. 3. Ушбу Низомнинг 46-бандида кўрсатилган саволлар ижобий ҳал этилса, Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспекторига ёки унинг ўринбосарига автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ёки қоғоз форматда назоратдаги товарлар импорти учун рухсатнома бериш тўғрисида мурожаат қилади.	1. Хужжат қабул қилинган кунда.  2. Етти календарь кун мобайнида.  3. Бир иш куни мобайнида
	Туман (шаҳар) давлат ветеринария бўлимлари		
	Ваколатли лабораториялар		
III босқич	Давлат ветеринария бош бошқармаси	1. Тақдим этилган аризани кўриб чиқади ва автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ёки қоғоз форматда назоратдаги товарларни Ўзбекистон Республикасидан импорт қилиш учун рухсатнома беради ёки асоси кўрсатилган ҳолда рухсатнома беришни рад этади. 2. Транзит рухсатномасини олиш учун тегишли давлатларнинг марказий давлат ветеринария органига мурожаат қилади.	1. Бир ой муддатда.  2. Транзит давлатларининг миллий қонунчилигида белгиланган муддатларда.

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
IV босқич	Давлат ветеринария бош бошқармаси	1. Давлат чегараси ва транспортдаги давлат ветеринария назорати бошқармасига, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат ветеринария бошқармаларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасида ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармасига, шунингдек назоратдаги товар эгасига автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ёки қоғоз форматда берилган рухсатномаларни тақдим этади. 2. Олинган транзит рухсатномаларини тақдим этади.	1. Уч иш куни мобайнида.  2. Учтинчи давлатдан транзит рухсатномаси олингандан кейин.
	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат ветеринария бошқармалари		

Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни экспорт, импорт қилишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
26-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан назоратдаги товарларнинг транзит ўтиши учун рухсатнома бериш СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
I босқич	Аризачи — учинчи давлатларнинг марказий ветеринария органлари, юридик ёки жисмоний шахслар (МДХ давлатларидан ташқари)	1. Ушбу Низомнинг 57-бандида кўрсатилган рўйхатга мувофиқ зарур рухсатнома олиш учун ҳужжатларни тайёрлайди.	Аризачи хоҳишига биноан
		2. Аризаларни автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ёки қоғоз форматда тақдим этади.	
II босқич	Давлат ветеринария бош бошқармаси	1. Тақдим этилган аризани кўриб чиқади ва автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ёки қоғоз форматда назоратдаги товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан назоратдаги товарларнинг транзит ўтиши учун рухсатнома беради ёки асоси кўрсатилган ҳолда рухсатнома беришни рад этади.	Мурожаат қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида.

Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни экспорт, импорт қилишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
2в-ИЛОВА

**Назоратдаги товарларни экспорт қилиш учун ветеринария гувоҳномалари (сертификатлари) бериш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
I босқич	Туман ва шаҳар давлат ветеринария бўлимлари	Туман (шаҳар) давлат ветеринария инспекторлари томонидан автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ёки қоғоз форматда импорт қилувчи давлатнинг ветеринария талабларига мувофиқ белгиланган шаклдаги ветеринария гувоҳномасини расмийлаштиради.	Бир иш куни мобайнида
II босқич	Давлат чегараси ва транспортдаги давлат ветеринария назорати бошқармаси (ЧВНП)	1. Назоратдаги товарлар чегарага келганда Давлат чегарасидаги ветеринария назорати пункти ходими томонидан кўриқдан ўтказилади ва ветеринария гувоҳномасига асосан автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ёки қоғоз форматда белгиланган шаклдаги ветеринария сертификатини хорижий давлатлар учун расмийлаштиради. 2. МДХ давлатлари учун туман (шаҳар) давлат ветеринария инспектори томонидан расмийлаштирилган ветеринария гувоҳномасига «олиб чиқишга рухсат берилган» штампи қўйилади.	4 соат мобайнида (ветеринария хужжатларини расмийлаштириш)

Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни экспорт, импорт қилишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
2г-ИЛОВА

**Назоратдаги товарларни импорт қилиш учун ветеринария гувоҳномалари бериш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
Битта босқичли	Давлат чегараси ва транспортдаги давлат ветеринария назорати бошқармаси (ЧВНП)	1. Назоратдаги товарлар чегарага келганда Давлат чегарасидаги ветеринария назорати пункти ходими ветеринария сертификати ўрнига автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ёки қоғоз форматда тегишли ветеринария гувоҳномасини расмийлаштиради.	4 соат мобайнида (ветеринария хужжатларини расмийлаштириш)

Давлат ветеринария хизмати назоратидаги  
товарларни экспорт, импорт қилишга ҳамда  
Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали  
транзит қилишга рухсатномалар бериш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
5-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ**

**Назоратдаги товарларни ташишда ветеринария,  
ветеринария-санитария қоидалари ва  
нормаларининг бузилиши ҳақида  
ДАЛОЛАТНОМА №**

20\_\_ й. \_\_\_\_\_ «\_\_» \_\_\_\_\_

Манзил \_\_\_\_\_

телефон \_\_\_\_\_

E-mail \_\_\_\_\_

Мазкур далолатнома тузилди \_\_\_\_\_

(лавозим, Ф.И.О.)

қуйидаги шахслар иштирокида \_\_\_\_\_

(товар қабул қилувчининг вакили (экспедитор))

Амалдаги ишончномага асосан № \_\_\_\_\_ сана \_\_\_\_\_

Жумладан: \_\_\_\_\_

вақт \_\_\_\_\_ соат \_\_ мин. «\_\_» \_\_\_\_\_ й.

товарнинг кузатув ҳужжати номери \_\_\_\_\_.

Товар келган вақт \_\_\_\_\_

Назоратдаги товар номи \_\_\_\_\_

Миқдори \_\_\_\_\_ жой (бош) \_\_\_\_\_ оғирлиги \_\_\_\_\_

Ветеринария сертификати/ветеринария гувоҳномаси, сифат сертификати  
(хавфсизлиги) № \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

Берилди: \_\_\_\_\_

(экспорт қилувчи давлат, ташкилот, лавозими, Ф.И.О.)

Жўнатган жой(давлат): \_\_\_\_\_

Жўнатувчи: \_\_\_\_\_

Қуйидаги манзилга: \_\_\_\_\_

(назоратдаги товар эгасининг номи, манзили, назоратдаги товарни қайта ишлаш ёки сақлаш, карантин ва х. к.)

Аниқланди: \_\_\_\_\_

(назоратдаги товарларни ташишда ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари асосида)



Ўзбекистон Республикасининг ветеринария соҳасига оид қонун ҳужжатларига асосан қарор қабул қилинди: \_\_\_\_\_

Давлат ветеринария органи бўлинмаси вакили: \_\_\_\_\_

(лавозими, Ф.И.О.)

Мансабдор шахслар иштирокида: \_\_\_\_\_

(лавозими, Ф.И.О.)

Товар эгасининг вакили ёки (товар эгаси): \_\_\_\_\_

(лавозими, Ф.И.О.)

Далолатнома уч нусхада тузилди.

Ветеринария врачлари ва далолатнома тузиш учун асос бўлган вазиятни тасдиқлашда иштирок этган шахслар (камида икки нафар) томонидан имзоланади.

М.Ў. / штамп

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 15 мартдаги 139-сон қарорига  
5-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги  
225-сонли қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик  
фаолияти соҳасида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар  
рўйхатига киритилаётган ўзгартиришлар**

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарори билан тасдиқланган тадбиркорлик фаолияти доирасидаги рухсат тусидаги ҳужжатлар рўйхатида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 йил 8-сон, 55-модда):

1. 26-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«

26.	Ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятининг ветеринария, ветеринария-санитария қондалари ва меъёрларига мувофиқлиги бўйича ветеринария-санитария ҳулосаси	Ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат ветеринария бошқармалари
-----	--	---	--

».

2. 29-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин;

«

29.	Давлат ветеринария хизмати назоратидаги товарларни импорт, экспорт қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга рухсат бериш	Экспорт учун ветеринария ҳужжатлари иловаларини расмийлаштириш (ветеринария сертификати) импорт қилувчи давлат талабига кўра импорт учун ветеринария ҳужжатларини расмийлаштириш (ветеринария гувоҳномаси) давлат ветеринария хизмати назоратидаги товарларнинг ветеринария сертификати ва транзит рухсатномаси мавжуд бўлганда	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси
-----	---	---	---

».

3. 165-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«

165.	Ихтисослашган сўйиш корхоналарининг ветеринария, ветеринария-санитария қондалари ва меъёрларига мувофиқлиги бўйича ветеринария-санитария хулосаси	Ҳайвонларни ихтисослашган сўйиш корхоналарида сўйиш	Туман ёки шаҳар давлат ветеринария бўлимлари
------	---	---	--

».

4. 213-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«

213.	Маҳаллий ва импорт қилинувчи ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларга рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси	Ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни ишлаб чиқариш, сотиш, қўллаш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилиш	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси
------	--	---	---

».